



БУЮК ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Ҳамма замонлар ўзига хос. Аммо кечагина ўтган милодий XX аср энг тезоб, энг мураккаб, энг зиддиятли, энг талофатли аср ўлароқ тарихдан жой олса керак. Ўтган асрга:

Илм-фан даричасидан қаралса

хайратланарли ривожланишлар давридир бу; ўтган асрлардаги буюк илмий изланишлар бу асрда шунақа мўъжизавий самаралар бердики, тараққиёт бирданига юксак поғоналарга чиқиб кетди. Кеча оламшумул ангилик бўлиб туюлган бир нарса бугуннинг ўзидаёқ эскириб, ўрнига яна бир янги ҳодиса чиқмоқда. Кечанинг суръати билан бугуннинг суръати туянинг тезлиги билан поезднинг тезлиги нисбатича фарқлидир. Тасаввуримизда тараққиётнинг бундан баланд чўққиси йўқдай гўё. Аммо эртага ўсиш бундан ҳам тезлашар балки...

Сиёсат даричасидан қаралса

энг катта мусибатли ва даҳшатли иккита Жаҳон уруши мана шу асрда кечди;

кўп замонлардан бери давом этиб келаётган зўрлик сиёсати сирти бир қадар маданийлашган, аммо ботини баттар ёввойилашган қиёфада муайян бир нуқтасига келди — бу асрда мисли кўрилмаган Буюк Дунё Тақсимотлари рўй бериб, мустамакачиликнинг эскича усули ниҳоясига етди;

мустамлака сиёсатининг табиий самараси ўлароқ Миллий Озодлик ҳаракатлари ҳам хилма-хил усуллари ила шу даврда кучайди ва асоратдаги халқларнинг қарийб барчаси, айниқса, асрнинг иккинчи ярмига келиб миллий, сиёсий истиқлолларига эришди, алҳамдулиллаҳ;

ва яна минг бора алҳамдулиллаҳки, дунёда кучли иккитадан биттаси ҳисобланган Совет давлати Аллоҳимизнинг буюк тадбири ила инқирозга юз тутиб, совет қўл остидаги кўп халқлар қатори бизнинг мусулмон халқимиз ҳам Миллий Истиқлолини шу аср ниҳоясида қўлга киритди ва ҳоказо...

Маърифат даричасидан қаралса

имон билан куфрнинг қадим мужодаласи куфрнинг аввалги асрларда бош кўтарган мафкуравий исёни бу асрга келиб сиёсий устунликка эри-

«Халқимиз мустамлакалик зулми ва қарамлик жабрини тортди, мустабид тузум, камситиш, таъийқ ва қатагон йилларини бошидан кечирди, озодлик ва истиқлол учун кураш йўлида қанча-қанча қурбонлар берди. Лекин ҳар қандай оғир, машаққатли синовларда ҳам ўз орзу-ниятларидан, дину диёнатидан, улуғ мақсадларидан, ҳуррият сари интилишидан қайтмади. Шу боис ҳам халқимиз, миллатимиз учун, шу табаррук ва мўътабар замин — Ўзбекистон менинг ягона ва бетақрор Ватаним, деган ҳиссиёт билан яшаётган ҳар қайси инсон учун XXI аср, аввало, мустақиллик асри бўлиб қолажак».

Ислом КАРИМОВ

шуви билан гўё мантиқий якунини топди — ҳудосизлик ғоясига асосланган ва инсоният бошига мислсиз кулфатлар келтирган коммунистик-материалистик тузум ўрис болшевиэзми тимсолида жаҳон саҳнасига шу асрда чиқди;

ва, алҳамдулиллаҳ, бор-йўғи бир инсон умрича амал-тақал кун кўриб, шу асрнинг охирларида йитиб битди. Ватанимиз миллий истиқлол ила ёнма-ён диний ҳурриятини ҳам қўлга киритди. Тарихда пайғамбар юборилмаган қавм бўлмаганидек, динсиз бир миллат ҳам бўлмас. Дин мафкураларнинг асоси ўлароқ ҳар қандай жамиятнинг маънавий устунидир. Устунни ўпирилган жамиятлар, мамлакатлар, тузумлар ҳалокатга маҳкумдир. Кечаги Совет Иттифоқининг тақдири бунга унутилмас бир далил. Шунинг учун ҳам миллий мустақилликка эришганимизнинг дастлабки дақиқаларидан мамлакатимиз диний ҳуррият палласига кирди. Ўн тўрт асрлик буюк исломий маданиятга ворис халқимиз барча замонларнинг талаб ва эҳтиёжларига тўқис жавоб бериб келаётган ҳамда то қиёматгача ҳам устувор тургуси муқаддас Ислом динимизга эътиқод қилиб, ибодатларини эмин-эркин адо этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Хуллас, милодий тақвимга амал қиладиган жамиятлар бугун янги — XXI асрга қадам кўйди. Энг тезоб, энг илғор, айни чоғда, энг мураккаб — зиддиятларга ва талофатларга бой милодий XX аср ортда қолди. Инсоният буюк ўзгаришларга ҳомилдор янги асрни умид ва ҳадиклар оралиғида қаршиламоқда. Биз мўмин-мусулмонлар Жаноби Аллоҳдан уни хайрли ва муборак қилишини тилаймиз.

Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН



Мундарижа

<i>Мухаррир сўзи</i> Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН Буюк ўзгаришлар арафасида	1
<i>Ҳаж тараддуди</i> Шоазим МИНОВАРОВ Адолат асосида	6
<i>Ислом ва олам</i> Мубашшир АҲМАД Рақамлар сўйлайди	7
<i>Ақида</i> Сайид Абзамхон тўра СОТИБОЛДИ ўғли Аллоҳнинг гўзал исмлари	8
<i>Мусобақа</i> Илоҳий калом ёғдуси	9
<i>Маърифат</i> Баҳодир КАРИМ “Турон” эшиклари ҳаммага очиқ	10
<i>Ғайб олами</i> Бобур ЖАББОР Фаришталар шундай зотларки	12
<i>Олисларга саяҳат</i> Абдуқаюм ҲИКМАТ Кунчиқар томонларда	16
<i>Хотира</i> Нажмиддин МИРМАҲМУД Нодирхон домла	18
<i>Ибратли воқеа</i> РАЙҲОНА Боламга бахт ато қил	19
<i>Наҳйи мункар</i> Турсун Муҳаммад АЪЛАМ ТУРКИСТОНИЙ Фолбин, раммол, қаҳҳон ёмонлигидан мудроққа огоҳ	20
<i>Изоҳли луғат</i> “Аллоҳ” ўрнига “тангри” деса бўладими	23
<i>Бўлган воқеа</i> Маъруфжон МАРҲАМАТЖОН ўғли Аллоҳнинг ёрдами яқийнан кўрдим	24
<i>Шеърият</i> Тошпўлат ХОЛМАТОВ Бир чашмаки, бағри тўла дур	27
<i>Насихат</i> Алишер ПЎЛАТОВ Имтиҳон	27
<i>Адабий таҳлил</i> Эргаш ОЧИЛОВ Кўнгуллар бўлди нуроний	30

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларига
оят ва ҳадислар берилаётгани
учун уни ноҳоиз жойларга
ташламаслигингни сўраймиз

Оналар ва болалар йили
Абдуллоҳ САЪД

4

АЁЛНИНГ ЎРНИ



Исломда аёл кишининг ҳаётдаги ўрни эркакнинг ўрнига мувофиқ ва уни тўлдирувчидир. Бу борада ҳеч қандай хусумат, жиддият ёки талашув йўқ.

Ҳаж тараддуди

5



— Асло ажабланманг. Ҳар бир ҳожига битта ҳажнинг савоби ёзилса, сизга етмиш ҳажнинг савоби берилди.

Ислом ва олам

ҲАЙИТ МАРКАСИ

Амриқо Қўшма Штатлари Конгреси қарорига биноан янги чиқарилган маркада араб ва инглиз ҳарфлари билан “Ийд Муборак” деб ёзилган.



7

Тафаккур

Карим БАҲРИ

14



**ТАРИҚАТДА
ТЕНГЛИК ВА КЕНГЛИК**

*Ҳечимиз йўғ-у, ҳечимиз кам эмас,
Ҳечимиз йўқи бизга гам эмас.
Жанда кафану уйимиз гўристон,
Биз ўлган кун ҳеч мотам эмас.*

Зиёрат

22

Суръат ИСҲОК

ИСЛОМДАГИ МУҚАДДАС ЖОЙЛАР

Иброҳим (а.с.) ўғиллари билан Каъбани қурганларида унинг баландлиги 7 зироъ, узунлиги 30 зироъ, кенглиги 22 зироъ эди.

Тарих

Ғофуржон СОТИМОВ

28

**БОБУРИЙЛАР ДАВЛАТИ
БОШҚАРУВИДА ДИН**

Муқованинг 1-, 3-, 4-бетларидаги суратларни
Кошиф ОМОН олган

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД
РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Фозил қори СОБИР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Эркин МАЛИК
Сирожиддин АҲМАД
Абдуқаюм ҲИКМАТ
Нуриимон АБУЛҲАССАН
Абдулмажид МУСАБЕК
Абдулжалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ҳожи ИМОМХОН
ўғли тайёрлади.
Бадий муҳаррир
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли
Тартибловчи
Қудрат ЖУМА ўғли
Компютерчи
Мунира МАСЪУДАЛИ қизи
Мусаҳҳиҳа
Райҳона ХОЛБЕК қизи

Тарғибот-ташвиқот марказлари:
Фарғона вилояти бўйича – 24-25-28
Директори Салоҳиддин Нуриддин
Андижон вилояти бўйича – 24-41-72
Директори Ўктам ҳожи Умурзоқ

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Зарқайнар 18-беркўча, 47а-уй. Т: 40-17-97.
Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 00079.
Босишга 2001 й. 6 февралда рухсат
берилди. Босмаҳонага 2001 й. 13
февралда тошпириди. Қоғоз бичими
84x108 1/16. Адади 5500 нусха. 20-сон
буйюртма билан «КОНІ NUR» МЧЖ да
босилди. Манзили: Тошкент шаҳри,
Муқимий кўчаси, 178-уй.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макег асл нусхаси Pentium-III
компютерида саҳифаланди.

*Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз
қилинмайди. Мақолалар хат орқали юбо-
рилганда исми шарифлар тўлиқ ёзили-
ши, адрес тўғри кўрсатилиши шарт.*

Абдуллоҳ САЪД

АЁЛНИНГ ЎРНИ

Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам аёлларнинг Ислолдаги ўрни масаласи тиб-билмай ҳар хил мулоҳазалар, ҳатто баъзан очиқдан-очиқ фикрлар айтиб келинган ва айтилаётир. Ажабланоқли томоники, мусулмон аёлларнинг ўзлари ҳам Исломуларга нақадар қамат берганидан кўп ҳолларда беҳабардирлар. Шу боис бу нозикнинг асосий ҳақиқатларидан бир қисмини эътиборингизга ҳавола қиламан деган кўрдик.



1. Албатта, башарият отаси Одамни Аллоҳ яратди ва сукунат топиши учун унинг жуфтини ҳам яратди. Уларнинг орасига муҳаббат ва раҳматни солди.

2. Албатта, аёллар эркакларнинг тенгдошларидир, улар орасида фазл ўлчови Аллоҳга тақво қилиш ва амали солиҳ билан бўлади.

3. Аёл киши, худди эркак кишидек, барча шаръий таклиф ва буйруқларни бажаришга масъулдир. Албатта, қудрати ва табиий имконлари даражасида.

4. Ислому аёлнинг шаънини кўтариш учун келди. Ислому қадимда ва ҳозирда баъзи дин ва тузумларда баён қилинганидек, аёлни камситадиган, уни эркаклардан пастга қўядиган ёки ифлос, шайтоний вужуд, деб таърифлайдиган жоҳилий тасаввурларни инкор этади.



5. Ислому аёл кишининг комил инсон, мустақил шахс эканини эътироф этади, унга мулкка эга бўлиш ҳаққини, ўзи эга бўлган нарсаларни эркинлик билан тасарруф қила олиш, таълим олиш ҳаққини, эътиқод ва ихтиёр эркинлигини, фикр эркинлигини, насиҳат ва амри маъруф, наҳйи мункар қилиш ҳаққини, ўзи хоҳлаган кишига турмушга чиқиш ҳаққини ёки хоҳламаган кишисидан ажраш ҳаққини, ўз исми, лақаби, отаси ва оиласининг исмини сақлаш ҳаққини беради.

6. Ислому аёл кишига инсоният ҳаёти тараққиётида ижобий ва фаол қатнашиши учун муно-

сиб ўрин берган. Унинг вазифасини наотириш ва лаззат талабига боғлаб қўйган.

7. Ислому аёл кишининг ҳаётдаги ўрининг ўрнига мувофиқ ва уни тўлдирувчи даража ҳеч қандай хусумат, жиддият ёки талба йўли бўлмаган.

8. Исломининг эркак кишини аёл устидан бар қилиб қўйиши эркак зиммасига масъулият юклаш маъносидадир.

9. Ислому аёл кишини она сифатида оилани ва солиҳ жамиятни барпо этиш соҳаларини унга топширди ҳамда жаннат оёғи остига қўйди. Шунингдек, аёлни ҳаётда ҳам улуғлади, эркакларнинг энг хотинларига кўпроқ яхшилик қилганини, Эрга хотинининг ҳурматини сақлашни, фақат беришни, ҳожатларига жавоб беришга қўйди. Оилада аёлнинг саодати қафолатлини, қийинчиликлардан ҳимоя қилишни, эркаклардан сақлашни топширди. Ислому аёлни ҳаётда ҳам улуғлади. Уни яхши тарбияли қилишни ота-онаниннг зиммасига юклади. Бу ишни жаннатга киришларига сабаб қилиди.

10. Ислому ушбу имтиёзлар муқобил аёлга ҳам эрига, ота-онасига, жамият баған бурчлар юклади. Унга осон бўлган эркаклардан талаб қилинган баъзи шаръийликларни ундан енгиллатди.

11. Албатта, Аллоҳ аёллардан имондор ва тақвода олий даражага етганларини қилиб қўйди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари Фотима (р.а.) ҳам Марямлар шулар жумласидандир.

12. Ислому аёлни она, сингил, қиз сифатида эъзозлашни тоат амаллари билан амал ва жаннатга йўл қилди.

13. Ислому аёлни беҳурмат қилишни ни тўқишни, йўлдан уришни, уни воситасида лаззат учун, фитна ва зийнат учун, аҳд ситаларида тижорат, яъни фисқ йўлида ишлатишни катта жиноят, улкан гуноҳ ҳисобланади. Буни умматлар ҳамда жамиятлар тўғрисида тўғри тўтишининг сабаби деб билади.

“Исломининг асосий ҳақиқатлари”
Сурайё ЗОХИР

Абдуллоҳ ибн Муборак ҳаж тараддудини кўриб, дўст-биродарлари билан йўлга чиқдилар. Кеч кириб, қоронғулик тушаётганида бир манзилга етдилар. Қарасалар, бир аёл энгашиб, ахлат уюми орасидан ўлик товукнинг лошини олиб кетаётир.

— Аҳволлар қалай, эй Аллоҳнинг бандаси, — деб сўрадилар. Шунда аёл:

— Эй Абдуллоҳ, халқни Холикқа қолдирдим. Аллоҳ таолонинг бандалари устига

فَمَنْ اضْطُرَّ فِي مَخْمَصَةٍ
غَيْرِ مُتَجَانِفٍ لِإِثْمِهِ فَإِنَّ
اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ

“Кимда-ким очликда гуноҳга моил бўлмасдан ҳаром нарса ейишга мажбур бўлса (Аллоҳ кечирар), зеро, Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир” (Моид, 3).

да ўтирганларида: «Аллоҳ Абдуллоҳ ибн Муборакка ажр-мукофот берсин. Ҳажни ўташ кунлари ҳеч бир мажлисда ўтирмадикки, у ерда Абдуллоҳ ибн Муборак Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатларидан суҳбат қилмаган бўлса», деб унинг ҳаққига дуо қилишар эди.

Абдуллоҳ ибн Муборак:

— Эй Роббим! Бу не ҳол, ахир мен ҳаж қилганим йўқ-ку? Аллоҳим, менга ҳақиқатни англагин, буларнинг бу сўзлари қандай бўлди? Мен жуда ҳайронман, — деганча таажжубда қолдилар.

Ўша кечаси ётиб ухладилар. Тушларида юзларидан нур баққиган кишини кўрдилар. У: “Ассалому алайкум, эй Абдуллоҳ ибн Муборак. Мени танидингми? Мен Муҳаммад Расулуллоҳман. Бу дунёда дўсту ҳабибинг ва охиратда шафоат қилгувчиман. Эй Абдуллоҳ! Етим қизларимни кутқарганингдек, Аллоҳ сени ҳамма қийинчиликлардан кутқазсин”.

“Қизларим?”

“Ҳар бир муслима қиз Расулуллоҳнинг ҳам қизидир. Ҳар бир муслима Расулуллоҳнинг ҳам ор-номусидир. Аллоҳ сизни барча зулм-азоблардан сақласин.

Эй Абдуллоҳ! Ўша уни бир бева аёлга яхшилик қилиб, уйга қайтганингизда Аллоҳ таоло бир фариштани сизнинг суратингизга киритди. Биродарларингиз қаерда бўлсалар, қаерга кўчсалар, улар билан бирга юриб, бирга ўтирди. Асло ажабланманг. Ҳар бир ҳожига битта ҳажнинг савоби ёзилса, сизга етмиш ҳажнинг савоби берилди”.

Абдуқаюм ҲИКМАТ

тайёрлади

ЕТМИШ ҲАЖНИНГ САВОБИ

юклаган ишлари бор, — деди.

— Аллоҳ номи билан онт ичаманки, аҳволинг қандайлигини билмагунча бу ердан бир қадам ҳам жилмайман.

— Аллоҳнинг номи билан қасам ичдингиз. Энди айтмасам бўлмас. Мен отаси ёш ўлиб кетган тўрт етим қизнинг онасиман. Кўп эшикларни қоқиб, кўрдим. Бироқ ҳеч биридан ёрдам раҳмати топа олмадим. Охири шундай қилишга мажбур бўлдим.

Абдуллоҳ ибн Муборак ҳаж ибодатини адо қилиш учун олган бор пулларини чиқариб, аёлга бердилар. Бу йил ҳаж қилмайман, дедилар. Сўнгра уйларига қайтиб келдилар. Ҳайит ўтгунча фақат намоз ўқиш учун масжидга чиқардилар, холос. Бошқа пайтлари аҳли оиласининг қошида бўлдилар.

Биродарлари эса, бошқа ҳожилар қатори, ҳаж ибодатини адо этиб қайтишди. Буни қарангки, улар ҳар бир давра-

АДОЛАТ АСОСИДА

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Шоазим МИНОВАРОВ билан суҳбат

Савол. Вазирлар маҳкамасининг “Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларига ёрдам кўрсатиш ҳақида”ги Қарори диёримиз муслмонларини қувонтиргани табиий. Шу кунларда мазкур Қарорни бажариш юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Жавоб. Юртдошларимизнинг муборак ҳаж сафарини намунали ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишлари қизгин. Саудия Арабистонининг Ҳаж ишлари вазирлиги, “Ал-Марва” ширкати билан тегишли ҳужжатлар имзоланди. Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ҳаж сафарига борувчилар рўйхати тузилди. Хорижга чиқиш визалари расмийлаштириляпти.

Савол. Ҳажга борувчиларнинг аризаларини кўриб чиқишда “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари вакиллари ҳам иштирок этишляпти. Бундан мақсад нима ва уларнинг вазифалари қандай?

Жавоб. Бундан кўзланган мақсад ҳаж зиёратига борувчилар рўйхатини адолат таъминли асосида тузишга эришишдир. Чунки оилалардаги моддий-маънавий шароитни ушбу идораларнинг жойлардаги вакиллари яхши биладилар. Ҳаж ибодати уни адо этишга ҳар томонлама қодир инсонларгагина фарз бўлгани учун ҳам бу ҳолни эътиборга олиш жуда муҳимдир. Айни чоқда, ибодатда ҳам, эл-юрт хизматида ҳам замондошларимизга ибрат бўла оладиганлар биринчилар қаторида ҳаж зиёратига борувчилар рўйхатига киритилиши зарур. Бу йил юр-

тимиздан тўрт мингга яқин киши ҳажга бориши кўзда тутилган. Лекин ариза берувчилар жуда кўп. Бу ҳол ўзига тўқ, фаровон оилалар кўпаяётганидан далолатдир.

Савол. Қарорда “...муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шароитларни яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш” асосий мақсад қилиб белгиланган. Айтинг-чи, бу қулайлик ва имтиёзлар айнан нималарда кўринади?

Жавоб. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, муслмонларнинг муборак ҳаж сафари Марказий Осиё давлатлари орасида фақат Ўзбекистондагина Президент Фармонида ва ҳукуматнинг махсус қарорига кўра уюшқоқлик билан ташкил этилади. Бунга кўмаклашиш учун юқорида тилга олинган идора ва ташкилотлардан ташқари бир қатор вазирликлар, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки имкониятлари ҳам жалб қилинган. Жумладан, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси феврал-март ойларида ҳаж сафари муносабати билан зиёратчилар учун қўшимча қулайликлар яратади, “Тошкент – Жидда” йўналишида чипталар нархини арзонлаштиради. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки эса, мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1.500 АҚШ долларини имтиёзли (воситачилик ҳақи олмаган) ҳолда алмаштириб беради. Бундан ташқари, муборак ҳаж сафарини намунали уюштиришда, тартибли, кўнгилдагидек ўтказишда махсус тузилган ишчи гуруҳи доимо ҳожиларимиз хизматида бўлади.

Мен бу йилги ҳожиларимизга ибодатларини беками кўст адо этиб, юртимизга соғ-омон кириб келишларини Аллоҳдан тилаб қоламан.

Абдул ЖАЛИЛ ёзиб олди

Муносабат

ҲАЖ ҚАЛБАН ПОКЛАНИШДИР

Ҳаж сафарига бормоқчи бўлган инсон балоғатга етган, соғлом, оиласи моддий таъминланган, фарз ибодатларни ихлос билан ўташидан ташқари ахлоқи ҳам гўзал, тақводор, маҳаллақўйда бошқаларга ибратли шахс бўлиши лозим. Кўни-кўшни, етим-есирлар ҳолидан хабар олувчи, жамоат ишларида, юртнинг оғирини енгил қилишда фаол иштирок этувчи бўлса нур устига нур.

Маккада ҳар бир ҳожи элликбошиларнинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилиши лозим. Акс ҳолда, унинг ибодатлари нуқсонли бўлиб қолиши мумкин. Пайғамбаримиз (с.а.в.) таъкидлаганларидек, кимки ҳаж амалларини чин ихлос билан тўғри бажарса, барча гуноҳлари кечирилади.

Аммо ҳал қилувчи босқич юртга қайтиб келгандан сўнг бошланади. Энди ҳожилар ҳар бир қадамини ўйлаб босишлари, ҳар бир сўзни ўйлаб гапиришлари, оила аъзолари, маҳалладошлари, эл-юрти ҳақида янада кўпроқ дуода бўлишлари керак. Баъзи номақбул одатлар энди уларга сира ярашмайди. Ахир ҳожиларга атрофдагилар ҳавас билан қараб туради. Ҳожилик шуҳрат ёки обрў дегани эмас. Балки Аллоҳнинг розилигини топиш йўлида қалбан покланиб, ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам ҳаётини янада гўзал қилишга масъулиятдир.

Абдуллоҳ ҳожи АБДУҚОДИРОВ,
Учкўприк тумани бош имом-хатиби

АМРИҚОДА ҲАЙИТ МАРКАСИ



Амриқо Қўшма Штатлари мусулмонлари ҳайит табрикномаларини янги марка билан юборишлари мумкин бўлди. Конгрес қарорига биноан янги чиқарилган 33 сентлик марканинг бетида араб ва инглиз ҳарфлари билан “Ийд Муборак” деб ёзилган. Узоқ вақтдан бери ҳайит муносабати билан янги марка чиқариш ташаббуси бор эди. Лекин ўтган йили Шимолий Амриқо Мусулмонлари жамиятининг йиллик анжуманида бу ният янада қатъийлашди. Масалани Конгресга тақдим этиш учун анжуманда ёш мусулмон болалари-

нинг марказий почта идорасига янги марка тўғрисидаги илтимослари билан табрик хати ёзилди. Шундай қилиб, Амриқодаги мусулмонларнинг байрамлари расмий доираларда ва халқ орасида янгича шаклда таниладиган бўлди.

СУКУНАТ ХОНАСИ


Миннесота штатида жойлашган «Адвантек» номли фирманинг мусулмон ишчилари фарз ва суннат намозларини бемалол ўқий оладиган бўлишди. Бу фирмада ишлайдиган 35 нафар мусулмонлар фирма маъмурияти ибодатга рухсат бермагани сабабли эътироз билдиришган эди. Масалани ҳал қилиш учун «Адвантек»нинг бошлиқлари Амриқо Исломий Муносабатлар Уюшмасининг (CAIR) вакиллари билан музокара олиб боришди. Натижада «Адвантек»да “Сукунат хонаси” деб аталган махсус хона ажратилиб мусулмонларга ибодат учун шароит яратилди.

Интернет саҳифаларидан олинди

Ақлга ишора

РАҚАМЛАР СЎЙЛАЙДИ

Ҳар нарсанинг сонеси, устаси ўз санъати ва маҳсулотининг хусусиятларини бошқаларга нисбатан яхши билади. Унинг ислоҳи ва хайрияти учун зарур низоми ва қонунларни ўзгалардан кўра яхшироқ ишга солади. Бу тартиб ва низомига ривож эшилмас экан, таъаззул муқаррардир. Оламнинг сонеси ва ҳолиқи Аллоҳнинг ҳикматли курсатмаларидан юз уеиришларнинг оқибати ҳам яхши бўлмаслиги тайин. Қуйидаги рақамлар шу ҳақда сўйлайди.



Дунё аҳолисининг 20 фоизини ташкил этадиган маъмур қисми умумий ишлаб чиқариш маҳсулотининг 86 фоизини истеъмол қилади.

Қолган 80 фоиз аҳоли умумий маҳсулотнинг 14 фоизини истеъмол қилади. Бу ҳолат уларнинг харид қилиш қувватини тобора йўққа чиқармоқда.

Фарб давлатларида яшовчи 225 кишининг мулки 2,5 миллиард одамнинг бор бойлигига тенг.

Амриқолик уч одамнинг сарвати Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 28 давлатнинг бор мулки билан баробар.

Кўп ўлкаларда очарчилик ҳукм сураётган бир маҳалда қуролланиш учун 780 миллиард, наркотик моддалар учун 400 миллиард, Оврўпанинг ўзида спиртли ичимликларга 105 миллиард, уй ит-мушукларини боқишга эса 67 миллиард доллар маблағ сарфланади. Ҳолбуки, айни вақтда соғлиқни сақлаш ва таълим тизими учун бор-йўғи 19 миллиард доллар ажратилган.

Ривожланаётган давлатларнинг умумий қарзи 2000 йилда 1 триллион 950 миллиард долларга етган. Бу қарзларнинг фақат устама фойдасини тўлаш учун ушбу давлатларнинг таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига сарфлайдиган маблағлари тўрт марта камлик қилади.

Хорижий матбуот хабарлари асосида
Мубашшир АХМАД тайёрлади

Саййид Аъзамхон тўра СОТИБОЛДИ ТўРА ўғли

Аллоҳ таоло бизларни барча соҳаларда манфаатли ишларга буюргани ҳолда, Ундан ҳожатларимизни сўрашнинг ҳам тўғри йўлини кўрсатади. **“Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Унга ўша исмлари ила дуо қилинг!”** деб (Аъроф, 180) огоҳлантиради.



Аллоҳ таолонинг асмо-ул ҳуснаси, яъни, гўзал исмлари ҳақида Абу Хурайра (р.а.) ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **«Аллоҳ таолонинг тўқсон тўққизта гўзал исми бор, Аллоҳ таоло ягона зотдир, У ягоналикни, тоқликни яхши кўради. Кимки Аллоҳ таолонинг тўқсон тўққиз исмини ва уларнинг мазмунини қалбига жойлаб, ҳаётини мосласа, жаннатга дохил бўлади»**, деганлар. Яна Пайғамбар (с.а.в.): **“Аллоҳнинг хулқлари билан хулқланинглар”**, деб марҳамат этганлар. Ушбу ҳадиси шариф инсонларга Аллоҳ таолонинг исмлари ва сифатларини билиб, Аллоҳ таолога бутун қалблари билан жуда яқин муносабатда бўлишлари лозимлигини таълим беради.

Тасаввуф китобларида шундай дейилади: **“Инсоннинг қалбида тўқсон тўққизта зулмат бор, бу зулматлар натижасида Исломига зид бўлган кўп ахлоқсизликлар пайдо бўлади. Агар**

инсон Аллоҳ таолонинг исмларини яхши ўрганиб, Расулulloҳнинг (с.а.в.), Аллоҳ таолонинг хулқлари билан хулқланинглар, деган фармонларига биноан, Аллоҳнинг исмлари мазмунини ҳаётига татбиқ этиб борса, қалбидаги зулматлар йўқолади ва ахлоқсизликлар ҳам барҳам топади”



Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг гўзал ва олий исмларининг аввалгиси:

1. **Аллоҳ** — ҳақиқий маъбуд, қуллик қилишга ягона лойиқ зот.

Аллоҳ исми зот бўлиб, у улўхийат ва рубубийатнинг ҳамма сифатларига далолат қилади. Шунинг учун ҳам тўқсон тўққиз исми ичида энг улўғидир.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг қолган тўқсон саккизта исми **“Аллоҳ”** исмининг маъно шарҳларидир.

Бу исми жомеъни қалбига жо қилган инсон Аллоҳдангина кўрқади, Ундангина умид этади ва ёлғиз Унгагина қуллик қилади.

2. **Ар-Роҳман** — ниҳоят даражада меҳрибон, шафқатли.

3. **Ар-Роҳийм** — раҳмли, меҳрибон.

Ар-Роҳман исми умумий меҳрибонликни, яъни, мўминларга ҳам, ғайримуслимларга ҳам меҳри чексиз бўлган зот эканини билдиради. Аллоҳ таоло чексиз меҳр соҳиби бўлганидан бутун оламга ризқ беради ва уни тарбият қилади.

Ар-Роҳийм исми эса охират кунини фақат мўминларга раҳм қиладиган зот эканини билдиради. Бу икки гўзал исми инсон кўнглида нақш бўлса, барча ҳолда танҳо Ундан мадад сўрайди ва, ўз навбатида, баъзи бир хато ишларга мубтало бўлган кишиларга шафқатли, меҳрибон бўлади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Аллоҳ таолога илтижо қилиб: **“Эй Роббим, қавмимни кечиргин, улар менинг пайғамбарлигимни билишмаяпти”**, деб ўзларига жабр етказганларга меҳр кўрсатишлари айнан бу икки исмининг ул зот қалбларидаги жилоси эди.

Инсон фақат ўзи билган кишиларга эмас, балки танимаган кишиларга нисбатан ҳам раҳмли бўлиши лозим. Одамлар билан муомалада юмшоқ сўзли бўлиб, осий кишиларга раҳмат кўзи билан қараш, ҳатто озор бераётганларга ҳам раҳмли ва меҳрли бўлиши керак.

Биз ҳар бир ишимизни бошлашда ёд этадиганимиз **«Аллоҳ», «Раҳмон», «Раҳим»** исмлари бизларга шуни тақозо қилади.

(Давоми келгуси сонда)

ИЛОҲИЙ КАЛОМ ЁҒДУСИ



Шавкатли тарихимиздан маълумки, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий сингари боболаримиз ёшликлариданоқ ҳофизи Куръон бўлганлар. Жаҳон илм-фани ва маданиятига беқиёс ҳисса қўшган бундай сиймоларни тарбиялаб етиштирган қадимий Моваруннаҳр диёри бугун ҳам шу мартаба сари интилмоқда.

Истиқлол шарофати билан диний таълим-тарбия, китоблар нашрида қайта жонланиш юз берди, масжидлар, мадрасалар очилди; Тошкент Ислом университети иш бошлади. Ўлкамизнинг турли шаҳар ва вилоятларидан қалблари илоҳий калом ёғдуси ила нурафшон бўлган кўплаб қорилар етишиб чиқди.

Рамазон ойида ҳар бир вилоятда мураттаб ва мужаввид қорилар мусобақаси ўтказилган эди. Шу йилнинг 20 – 21 январ кунлари Тошкентдаги муҳташам “Шайх Зайниддин” жомеъ мас-

жидида мусобақанинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Жами ўттиз беш нафар қори иштирок этган мусобақа икки йўналишда бўлди: мужаввид қорилар баҳсида биринчи ўрин

Тошкент Ислом университети талабаси Ҳайдаров Миродилга (Тошкент), иккинчи ўрин Воҳидов Мусохонга (Бухоро), учинчи ўрин Юсупов Ақромжонга (Сурхондарё) берилди.

Мураттаб қорилар баҳсида эса, биринчи ўрин наманганлик Орифхон қорига (24 ёш) берилди, иккинчи ўрин андижонлик Хусанхон қорига (19 ёш), учинчи ўрин қорақалпоғистонлик Нёмагуллоҳ қори (21 ёш) ҳамда бухоролик Темиржон қорига (15 ёш) муносиб кўрилди.

Учинчи ўрин соҳиби Ниёзов Темиржон Бухоро шаҳридаги 6-мактабнинг 9-синфида ўқир экан. Отаси Абдуҳалим ҳожи домла Бухородаги Мир Араб мадрасасида мутолаа, тафсир, араб тили фанларидан дарс беради. Темиржоннинг отаси билан суҳбатлашдик.



– Ўғлимиз Аллоҳнинг марҳамати билан 13 ёшида қори бўлган. Бир нарсани таъкидлашни истардим, Ўғлим билан кўпроқ 1992 йили қорийа қиз-



лар баҳсида ғолиб чиқиб, ҳажга бориш шарафига муяссар бўлган қизимиз Мадинабону машғул бўлдилар...

Учинчи ўринни олган мураттаб қорилар видеомагнитофон билан, иккинчи ўрин соҳиби бепул умрага бориш, биринчи ўрин эгаси эса муборак ҳаж ибодатига боришдек хайрли мукофотлар билан тақдирландилар.

Куръон тиловати баҳсида мағлублар бўлмайди. Қалбига илоҳий каломни жо этган, унга беҳуда чуқур кетмаган ва тирикчилик воситаси қилиб олмаган қориларни Аллоҳнинг улуг ажр-мукофоти кутади.

Тахририят



«ТУРОН» ЭШИКЛАРИ ҲАММАГА ОЧИК

Маърифатли инсон ҳаётини китобсиз тасаввур қила олмайди. Тошкент вилояти «Турон» илмий-универсал кутубхонаси республикамиздаги энг нуфузли ва машҳур зиё маканларидан биридир. Унинг ўзига яраша шойли тарихи бор. Кутубхона директори Вазира опа Собирова билан суҳбатимиз ҳам тарихни бир хотирлашдан бошланди.



— Кутубхонамизнинг эс-лашга арзийдиган, кўнгилларга ғурур улашадиган тарихи бор. Асримиз бошида авжига чиққан маърифатпарварлик, миллатни уйғотиш ҳаракатининг бир томони мактаб ва театрға бориб тақалса, иккинчи тарафи матбуот ва китобга, кутубхоналарга бориб боғланади. Бизнинг кутубхонамиз юртни озод ва обод кўриш истагида ёнган, миллатимизнинг маърифатли, уйғоқ назарли бўлиши йўлида фидойилик қилган Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермуҳаммедовлар, Абдулла Авлоний, Мунаввар қори Абдурашидхонов, ака-ука Шокиржон ва Собиржон Раҳимий каби маърифатпарвар боболаримиз томонидан 1913 йилда ташкил этилган.

Ўша йилларда машҳур бўлган «Турон» номли маърифатчи зиёлилар жамиятининг

йиғинлари ҳам шу бинода ўтказилган. Ташкилотчилар кутубхона учун турли усулда китоб жамлаганлар. Мен фахрланиб айтаманки, бизнинг кутубхона Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Алавий, Ғоzi Юнус сингари машҳур ижодкорларимизнинг пойқадами етган муътабар даргоҳдир.

Буни қарангки, замонлар ўтиши билан ўтмишимизни халқимиз онги-шууридан супуриб-сидириб ташлашни мақсад қилиб кўйган мустабид совет тузумига «Турон» деган ном ҳам маъқул келмай қолади. Оқибатда 1928 йилга келиб «Октябрь» дея ўзгартирилади. Кутубхона бир неча ўн йил шу ном остида ишлаб турди. Юртимиз мустақилликка эришгандан кейин эса, тарихий ҳужжатлар асосида кутубхонанинг асл номини тиклашга муваффақ бўлдик.

— *Вазира опа, бугун китобхонлар, талабалар кўпроқ қандай китобларни ўқийдилар?*

— Энг аввало, юртбошимиз Ислон Каримов асарларига қизиқиш катта эканини таъкидлаш жоиз.

Юртимиз тарихига, ўтмишда ўтган Амир Темур, Мирзо Улугбек, Жалолиддин Мангуберди сингари тарихий шахслар ҳаётига ҳам қизиқиш кучли.

Шунингдек, китобхонлар бадий адабиётларни, тилшуносликка оид ва ҳуқуқий адабиётларни кўпроқ сўрайдилар.

— *«Турон»нинг китобхонлари қанча? Улар кимлар? Кутубхона кунига қанча миқдорда хизмат кўрсатади?*

— Бизнинг ходимларимиз кунига элликдан юз нафаргача китобхонга хизмат қилади. Улар сўраган манбадарни бажонидил топиб беришга интилишади. Ходимларимиз жуда хушмуомала, китобхоннинг кўнглига қараб ишлайди. Бу эътирофни, миннатдорчиликни биз кўп эшитганмиз. Кутубхонамизга Ўзбекистон Миллий университети, дипломатия университети, маданият институти талаба ва ўқитувчилари, яқин атрофимиздаги мактаб ва бошқа ўқув маканларининг ўқувчилари кўп келадилар. Кутубхона «Чорсу» бозорининг шундай ёнида жойлашган. Китобга, газета-журналга қизиқадиган бозорда сабзи-пиёз сотадиган деҳқон ҳам келиб, бирпас дам олиб, мутолаа қилади. Сўнг ишига боради. Китобхонларимиз сони уч мингдан ортиқ.

— *«Турон»да қанча китоб тўпланган? Китобларнинг сақланиш аҳволи қандай?*

— Кутубхонамизда тўрт юз мингдан ортиқ китоб мавжуд. Китобларимизнинг сақланиши яхши. Яна бир гап. Бизда ноёб-нодир китоб, газета ва журнал

лар жамғармаси ҳам бор. Бунда 20–30-йилларда араб ва лотин имлосида нашр этилган “Маориф ва ўқитғувчи”, “Маориф ва маданият”, “Муштум”, “Қизил байроқ”, “Камбағаллар товуши”, “Қизил Ўзбекистон” каби қатор журнал ҳамда газеталарнинг тах-ламлари сақланади. Уларнинг сақланиш ҳолати ҳам кўнгилдагидек. Сталинизм замонларида, қатагон машинаси ишлаб турган йиллари номи ва асарларига “халқ душманлари” дея қора тамға босилган ижодкорларнинг асарлари ва расмлари йўқотилган. Қандайдир бахтли тасодиф билан шу маълумотлар босилган газета-журналлар бизда сақланиб қолган.

– *Машхур адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Калвак махзумининг хотира дафтаридан” деган асаридан айнан “Турон”нинг 20-йиллар ўрталаридаги тасвири берилади ва муаллиф ўз қаҳрамони Калвак махзумни кутубхонага ҳам олиб киради. Шунда у билан кутубхона ишчиси орасида бир савол-жавоб бўлади. Уша жойини ўқиб берсам:*

«– Қандай китобларингиз бор, фақир ҳам ўқусам жойиз, яъни, имкони борми?»

– Китоблар ҳисобсиз, тақсир, ҳар бир кимарса учун кутубхонамиз очиқ!

– “Шарҳи виқоя”нгиз борми?»

– Йўқ, тақсир.

– “Шарҳи Мулло Жомий”?»

– Йўқ.

– “Маслаки муттақийн”?»

– Йўқ.

– Бас, сизда нима бор?

– Бизда ҳар бир китобдан бор.

– “Далоили хойроғ”?»

– Йўқ.

– “Канзили Хусайин”?»

– Йўқ.

– “Нурномаи шариф”?»

– Йўқ.

– “Кимиёи саодат”?»

– Йўқ.



– **Йўқ-йўқ-йўқ! Бас, бул китобларингиз куруқ қоғозларми?**

– **Йўқ, тақсир, булар сиз сўроғондан бошқа хил китоблар, масалан, илмий, фаний ва дунёвий...»**

Менимча, бу саҳнада қайсидир даражада давр сиёсатининг ҳолати, айнан исломий илм оламидаги китобларга муносабати ҳам ифодасини топган. Шундай эмасми?

– Жуда тўғри айтасиз, ука. Биз “Калвак махзум...” даги бу саҳнани қайта-қайта ўқиймиз ва кутубхонамиз тарихи билан қизиқувчиларга ўқиб бериб ҳам турамиз. Ўзингиз яхши биласиз-ку, у замонларда кимнингдир уйдан арабий имлода битилган оддийгина бир парча қоғоз чиқса ҳам, душманликда айбланган, идорамайдора судраб, сарсон-саргардон қилинган.

Бугун кутубхонамизда Куръони Каримнинг асл нусхаси ва

таржимаси, Имоми Бухорий ва Имоми Термизий тўплаган ҳадисларнинг таржималари, Имом Ғаззолий ва Баҳовуддин Нақшбанд каби алломаларнинг китоблари бор. Умуман, китобларни дунёвий ва диний тарзда таснифлаб, бирини бошқасига ўгайлаштириб қўймаймиз. Расмий давлат нашриётларида Дин ишлари қўмитасининг рухсати билан чоп этилган барча китобларни оламиз. Китобхонларни ҳам иккига ажратиш, менимча, нотўғри. Бугун Техника университетининг талабаси диншунослик фани бўйича реферат ёзиш учун ҳадиси шарифни сўрайди, фойдаланади. Шунингдек, Олий Ислом маъҳади ёки Ислом университети талабаси келиб, бадиий-фалсафий асарлар мутолаасига берилади.

“Ҳидоят” журналида берилаётган Ислом динининг асл моҳиятини англаштиришга қаратилган мақолалар, хусусан, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг чиқишлари, мустақил юртимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида бўлаётган ўзгаришларга оид мақолалар бизга маъқул келмоқда.

Шу маънода “Ҳидоят”дек ажойиб бир журнал бизнинг



кутубхонада ҳам сууб ўқилишини мамнуният билан маълум қилмоқчиман...

Баҳодир КАРИМ

суҳбатлашди

Бобур ЖАББОР

ҒАРИШТАЛАР ШУНДАЙ ЗОТЛАРКИ...

Бутун олам Аллоҳнинг мулки-салтанатидир. Ундаги барча мавжудот – набототу ҳайвонот, жонлиу жонсиз нарса эртаю кеч у Зотга тасбеҳ айтади. Дарахтдан битта барг Холиқнинг изнисиз узилиб тушмас. Бу оламда Аллоҳнинг биз билган-билмаган яна қанчадан-қанча махлуқоту мавжудотлари бор.

Шулар ичида энг жозибалиси Аллоҳнинг нуроний, итоатгўй ғаришталаридир.

Аллоҳ таоло ҳикмати илоҳийи ила ғаришталар олами ни бизга ғайб қилган. Бизга кифоя миқдордаги маълумотларни Аллоҳимиз каломида, Пайғамбаримиз суннатларида баён қилганлар. Уларга имон келтириш Аллоҳга имон келтиришдан сўнг турадиган буюк фарзлардандир.

Улар қандай ҳам ажойиб махлуқотдирлар! Уларда шаҳвоний нафс, осийлик йўқ, улар барча айбу нуқсондан муназаҳ, мосуводир. Улар Роббиларининг буйруғига доим шайдирлар. Доимо меҳрибон Аллоҳга ҳамду сано, тасбеҳ айтиб турадилар.

وَتَرَى الْمَلَائِكَةَ حَافِينَ مِنْ

حَوْلَ الْعَرْشِ يُسَبِّحُونَ بِحَمْدِ رَبِّهِمْ وَقُضِيَ بَيْنَهُم بِالْحَقِّ وَقِيلَ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

“Сиз (ўша кунда) ғаришталар арш атрофини ўраб олган ҳолларида Парвардигорларига ҳамду сано айтиш билан (Узотни) поклаб тасбеҳ айтаётганларини кўрурсиз” (Зумар, 75).

Қандай ҳам гўзалки, уларнинг қанотлари бор, улар учиб юрадилар ва фақат Роббул Оламийнга сажда қиладилар. Осмону фалаклар тўладир ғаришталарга. Тоғлар-боғлар, гулзорлардадир ғаришталар. Ҳар бир ёмғир томчисида ғаришталар бор.

Аллоҳнинг ердаги халифалари бўлган биз инсонларга бу махлуқлар ёрдамчи қилингандир. Инсон ҳали онасининг қорнидалигидаёқ Буюк Зот унга бир ғариштани бириктириб, унинг ажалини, бахтли ёки бахтсизлигини, умрини тақдир қилиб ёзиб қўяди. Ўша онлардан бошлаб инсон то бу оламдан чиқиб кетгунча улар унга ҳамроҳ. Ҳар бир сўзни, қилаётган ҳар бир амалини ёзиб боради у ғаришталар.

مَا يَلْفُظُ مِنْ قَوْلٍ إِلَّا لَدَيْهِ رَقِيبٌ عَتِيدٌ

“У бирон сўзни талаффуз қилмас, магар талаффуз қилса, унинг олдида ҳозир но-зир бўлган кузатувчи (ғаришта) у сўзни ёзиб олур” (Қоф, 18).

У ғаришталар доимо инсоннинг ҳаётини муҳофаза қилиб юрадилар, ўлим соати келса, жонини оладилар, қабрда азоб ёки роҳат берадилар.



Бу гўзал фаришталар биз мўминларнинг дўстларимиздир. Улар бизга манфаатли нарсаларни ўргатадилар. Яхшиликка, эзгуликка бизни шижоатлантириб турадилар. Ёмонлик ва гуноҳлардан қайтариб, огоҳлантириб борадилар. Улар биз токи Роббимизга тоат-ибодат қилар эканмиз, бизнинг тепамизда бизнинг ҳаққимизга истиғфор айтиб турадилар. Инсонларга яхшиликни насиҳат қилаётган чоғларимизда устимизда салават, салом айтадилар.

Тушларимизда, ўлим соатларимизда, қайта тирилиш дамларимизда бизнинг ёнимизда, бизга хотиржамлик ва тинчликни башорат қилиб, биз билан бирга бўлади у ажойиб мавжудотлар.

إِنَّ الدِّينَ قَالُوا رَبَّنَا اللَّهُ ثُمَّ
اسْتَقَمُوا تَتَنَزَّلُ عَلَيْهِمُ
الْمَلَائِكَةُ أَلَّا تَخَافُوا وَلَا
تَحْزَنُوا وَأَبْشِرُوا بِالْجَنَّةِ الَّتِي كُنتُمْ
تُوعَدُونَ نَحْنُ أَوْلِيَاؤُكُمْ فِي
الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ

“Албатта, “Парвардигоримиз Аллоҳдир”, деб, сўнгра (ёлғиз Аллоҳга тоат-ибодат қилишда) тўғри-устувор бўлган зотларнинг олдиларига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб, дерлар: “Кўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушxabари билан шодланинглар! Бизлар ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам сизларнинг дўстларингизмиз” (Фуссилат, 30—31).

Улар адашган пайтларимизда тўғри йўлга солиб, то-



атларга сусткашлик қилиб қолган чоғларимизда қизиқтириб, ундаб туришади.

Оламлар Подшоҳи бу солиҳ бандаларини биз охират диёри сари тобора яқинлашиб бораётган улкан сафаримизда бизга ҳамроҳ йўлдош қилиб қўйгандир.

Бу сафар давомида баъзида қийналиб, сиқилиб, озгина машаққат ва қийинчиликларга йўлиқиб, озгина заифлашиб ёки ғариб бўлиб қолган палларимизда бизга бир нарса хотиржамлик, сакинат берадики, бу хидоят йўлида, бу охират йўлида, бу жаннат йўлида биз ёлғиз эмасмиз. Балки Аллоҳнинг қўшинлари, содиқ малаклари биз биландир. Биз ибодат қилаётган илоҳга улар ҳам ибодат қилишади. Биз юзланаётган Роббга улар ҳам юзланишади. Шуни ҳис қиламизки, биз ёлғиз эмас; балки инсу жинлардан ташкил топган улкан ва буюк мўминлар жамоатимиз. Чунки Аллоҳга тасбеҳ айтаётган бутун осмонлар ва ердаги барча махлуқот биз билан биргадир.

سَبِّحْ لِلَّهِ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَمَا فِي
الْاَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

“Осмонлар ва ердаги бор нарса Аллоҳга тасбеҳ айтди. У қудрат ва ҳикмат соҳибидир” (Саф, 1).

Бу ҳақиқат бизни сабрли ва хотиржам қилади. Бизни шижоатга, ҳаракатга ундайди.

Буюк Роббимиз бу фаришталарни яратиш билан қанчалик чексиз неъматлар ато қилган.

Тўғриси, фаришталарга ҳавасим келади. Уларни кўргим келади. Чунки улар мудом ибодатда. Уларда заррача риё, ҳасад, адоват, исён, куфр, нифоқ йўқ. Қани энди ўтаётган ҳар бир соатимиз шу фаришталарга ўхшаб Улуғ, Меҳрибон Холиққа бўйсунушида ўтса.

Пайгамбар алайҳиссалом ҳадисларида марҳамат қилганларки: “Еттинчи осмонда яратилгандан бери саждада турган фаришталар бор. Қиёмат куни бошларини саждадан кўтариб айтишадики: “Эй Роббимиз, Сен барча айбу нуқсондан пок Зотсан. Биз сенга ҳақиқий ибодат қила олмадик. Сенга ҳақиқий қулчилик ҳаққини ўтай олмадик”.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳдан бир умидимиз, қиёмат куни ўз фазли-марҳамати ила жаннатга мушарраф этаркан, ул нуроний мавжудотлар турли эшиклардан кириб:

سَلِّمٌ عَلَيْكُمْ بِمَا صَبَرْتُمْ فَنِعْمَ عُقْبَى الدَّارِ

“(Аллоҳ йўлида меҳнат-машаққатларга) сабр-тоқат қилиб ўтганларингиз туфайли (энди бу жаннатларда) сизларга тинчлик-осойишталик бўлғай. Бу охират диёри нақадар яхши!” (Раъд, 24), деб нидо қилишларини эшитадиган саодатли бандалари қаторида қилсин...

Карим БАҲРИ

ТАРИҚАТДА ТЕНГЛИК ВА КЕНГЛИК

Тасаввуфни англаш йўлида

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим!
“Қўрқсанг, айтма, айтсанг, қўрқма”, дейишган машойихлар.

Ҳақ айтсак, Аллоҳнинг мадади биландир.
Хато қилсак, биродарларимиз кечирсинлар.
Аллоҳ кечирсин. Зотан, Аллоҳ кечиргувчидир.
Аллоҳ меҳрибондир. Аллоҳ раҳмлидир.

*Чун нест ҳар чи нест жуз бод ба даст,
Чун ҳаст ба ҳар чи ҳаст нуқсону шикаст.
Пиндор, ки ҳаст ҳар чи дар олам нест,
Ангор, ки нест ҳар чи дар олам ҳаст.*

Нажмиддин Кубро

*Ҳар неки гўё йўқ шамол каби кўринмас зинҳор,
Ҳар неки гўё бор омонатдир, емирлар абгор.
Кўргин, ҳар нимаки оламда бор, охири йўқдир,
Билгин, ҳар нимаки оламда йўқ, аслида бор, бор...*

Бу мафкура донишманд ажодларимиз тасаввуф таълимотининг мафкурасидир. Унга кўра бизга бор бўлиб туюлган нарсалар аслида йўқдир (йўқолгувчидир), чунки улар яралгандир ва комил эмасдир, улар ҳаракатда, ўзгаришда, демакки, охири емирилиш ва йўқолишдадир.

Тутилган нарса ўлади. Кўкарган нарса қурийдди. Бошланган нарса охирлайди. Ибтидоси бор нарсанинг интиҳоси ҳам бор.

Аллоҳнинг ибтидоси йўқдир ва шунинг учун интиҳоси ҳам йўқдир. Ўзи худди шамол кўзга кўринганидек, кўринмаса-да, аммо бордир, комилдир. Дарахтни шамол тебратади, аммо ўзи кўринмайди. Биз шамолни кўрмасак-да, дарахтнинг, тебранганини кўриб, шамолнинг борлигига иқрор бўламиз. Аммо шамолни яратиб қўйган Аллоҳни кўрмаганимиз учун гоҳи гумроҳлик билан унинг борлигига шубҳа қиламиз. Яралган нарсага ишончимиз комил, аммо Яратганга...

Аллоҳ, ўзинг кечиргин! Сен буюксан! Сен поксан! Яратилганлар Сенинг қошингда ожиздирлар. Дунёда кўриниб, сезилиб турган бор нарса ўткинчидир.

Ҳамма яратилганлар фонийдир. Яратган боқийдир. Бир қараганда, бу гаплар шунчаки сўз ўйинига ўхшайди. Аслида, чиндир, ўйин эмас.


Биз кўриб турган нарсамизга қараб фикрлаймиз. Кўзимизни юмсақ, ўйлаётган нарсамизни кўра бошлаймиз. Шунинг учун донишманд шоир “кўзга айлансин кўнгил” дея ташбеҳ қилади.

Сиз фотонегативни кўргансиз. Фотонегатив – суратнинг акси. Энг гўзал мавжудотнинг сурати ҳам фотонегативда даҳшатли кўринади. Негативда позитивни кўришга ўрганиш керак. Худди шундай, биз ўзимиз кўникмаган, кутмаган фикрлардан кўрқмаслигимиз керак. Фай-

ласуфлардан бири айтганидек, ҳамма фикрларнинг яшашга ҳаққи бор. Негатив фикрлар позитив фикрларнинг нариги томондан кўриниши холос. Қора – оқнинг соясидир, аксидир.

Дунё – гўзал. Кўплар бу дунёнинг жамоли деб ақлидан озади, нафсу ҳирсининг комига тушади. Аллоҳнинг ўзи қанчалар гўзалдир! Сўфийлар Аллоҳнинг жамолига ошиқ бўлишган. Тасаввуф Аллоҳ жамолига етишиш сари ҳаракат йўлидир.

Сени кўрмаётганлари ҳечдир, Аллоҳни кўрмаётганлари фожеадир. У яратган дунёда юриб, уни танимаётганлари фожеадир. “Мен гизли бир хазина эдим, ошкорланишни истадим”, дейди Аллоҳ ва ўзининг тажаллиси учун дунёни бор қилади. Жилоси шу қадар гўзал бўлса (ахир, дунё деб кимлар ўзини йўқотмади!), Аллоҳнинг ўзи қанчалар гўзалдир.



Афсуски, одамлар ўткинчи дунё жилвасига ошиқ бўладилар-у, Аллоҳни кўра олиш учун тариқат машаққатини чекишга интилмайдилар. Тариқат йўли машаққатлидир. У ҳамма ўрганган “ҳақиқат”ларга қарши тура билмоқни талаб қилади.

*Ҳечи мо не-ю, ҳечи мо кам не,
Аз пайи ҳеч-ҳечи мо ғам не.
Жанда бар пўшту пушт – гўристон,
Рўзе, ки мирем мо, мотам не.*

Яъни:
*Ҳечимиз йўғ-у, ҳечимиз кам эмас,
Ҳечимиз йўқи бизга ғам эмас.
Жанда кафану уйимиз гўристон,
Биз ўлган кун ҳеч мотам эмас.*

Нақшбанднинг бу нолаларидан аёнки, тасаввуф аҳли бу жилвагар дунёга боғланган ришталарни бир-бир узган. Дарвишнинг ҳеч нарсаси йўқлигини у овқат емаган, кийим киймаган деб тушунмаслик керак. Дарвишлар овқатни нафс талаби билан емаганлар. Кийимни чиройли кўриниш учун киймаганлар. Овқат қаноат билан ейилган. Кийими баданни беркитиш учун кийилган. Кийимни қафанга, уйни қабрга менгзаганлари уларнинг ўлимга — Аллоҳнинг даргоҳига ҳамиша тайёрликларини билдиради. Шунинг учун ўлим куни ҳам уларга мотам эмас.

Аллоҳни ақлнинг ўзи билан таниб бўлмайдди, уни ақл билан қалб пайваста бўлган нуқтада таниш мумкин. Аллоҳнинг йўли — ёлғиз ақл талпинаётган томонда эмас, қалб билан ақл бирга талпинаётган жойдадир, эҳтимол.

Аллоҳ инсонни тупроқдан бор қилди. Одам ўлади ва тани бир кун тупроққа айланиб чирийди. Аммо у манманликка берилади — яхши есам, яхши кийинсам, дейди, амалга мингиси келади, кўйиб берсанг, қолган ҳамма унинг қули бўлса... Ҳолбуки, одам омонат, у ҳавас қилаётган дунё ўткинчи.

Одам бир куни ўлишини билади, тупроққа араллашиб, қурт-қумурсқаларга таланишини ўйлаб кўрқувга тушади, аммо бу кўрқув дунёсеварлик ҳосиласидир. Кўрққани сари банда ўзини ботир кўрсатишга тиришади.

Сўфийлар ўлимдан кўрқмайдилар, чунки бу ясама дунёни севмайдилар, уни Яратганни севадилар. Улар негативни эмас, позитивни, яъни, Ҳақни севадилар, Аллоҳга ошиқадилар.

Одамлар дунёга меҳмондилар, бирин-кетин бу четидан кириб, бирин-кетин у четидан чиқиб кетаверадилар. Аммо аксарият одамлар ўзларини бу дунёга минг йилга, эҳтимол, мангуга келгандай тутадилар.

Аллоҳ акбардир, бизнинг чекланган ақлимизга сиғмайди, чексиздир. Аллоҳни сиғдиrolмаган ақлимиз шубҳаларга боради: “Ҳақиқат бормикан?”; “Уни ҳеч ким кўргани йўқ”; “Агар бор бўлса, бирорга одам кўрарди”... Ақлимиз ҳамма нарсага сабаб ахтаради, исбот истайди. Ҳолбуки, Аллоҳ тасаввурдан ташқаридир. Аллоҳ қалбга сиғади.

“Дил ба ёру даст бакор”, яъни, “Қалб Аллоҳда, қўл ишда”, дедилар Баҳовуддин Нақшбанд.

Қалб Аллоҳ бандаларга инъом этган мўъзижадир. Аллоҳ қалбнинг имкониятлари орқали ҳам бандага ўзининг қудратини намоён қилади. Қалб ақл билан тушуниладиган воқеа ва ҳодисаларнигина эмас, ақл бовар қилмайдиганларини ҳам сиғ-

диришга қодирдир. Очиқ чехрали, муросаю мадорали одамни кўрсак, “бағрикенг одам”, “кўнгли кенг инсон” деймиз. Ана шу бағрикенглик демократиянинг асосидир. Демократия турли фикрларни чидаб эшитиш, халқни унинг иродасига мос йўллар билан бошқариш демакдир.

*Мо ин қор накунем,
Аммо инкор накунем.*

Яъни:
*Бу ишни зинҳор қилмаймиз,
Қилганни инкор этмаймиз.*

Баҳоваддин Нақшбанднинг бу ҳикматлари тариқатнинг бағрикенглик тамойилини намоёиш этади. Биз ўзимиз қилмаган ишни, ўзимиз англамаган фикрни инкор қилмаймиз, уни тушунишга ҳаракат қиламиз, дейдилар Нақшбанд ҳазратлари.

Яна деганларки: “Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир ва хилватда шуҳратдур ва шуҳратда офатдур. Хайрият жамъиятдадур ва жамъият суҳбатдадур” (Н. Комилов, “Тасаввуф”, 1-китоб, 107-бет).

Бугун демократик давлат қурмоқчи бўлиб “фуқаролик жамияти”, “кучли давлатдан кучли жамият сари” деган шиорлар эълон қилинмоқда. Нақшбанднинг таърифича, ҳақиқатан ҳам барча яхши ишлар, эзгулик, “хайрият жамъиятдадур ва жамъият суҳбатдадир”.

Фуқаролик жамияти суҳбат мақомини — ҳамманинг тенглигини ва инсон ҳуқуқлари устуворлигини талаб қилади.

Аллоҳга ибодат холис ният ва ихлосни талаб қилади. Жалолиддин Румийнинг “Фиҳи мо фиҳи” асарларида келтирилишича, бир киши мавлонодан сўрайди: “Намоздан ҳам афзалроқ ибодат борми?!” У киши жавоб берадилар: “Намознинг жони (руҳи) ўқилган намоздан яхшироқдир. Имон намоздан устундир, чунки намоз кунда беш маҳал, имон эса истисносиз ҳамиша (ҳамма вақт, ҳар лаҳзада, ҳар нафас кирган-чиққанида — К.Б.) фарздир. Намоз узрли сабаб билан қолдирилиб, фурсат бўлиши билан адо этилиши мумкин. Имон учун узр йўқ (яъни, ҳеч қандай ваз-корсон имонсизликни оқламайди. — К.Б.). Намозсиз имоннинг фойдаси бўлади. Аммо имонсиз намознинг фойдаси йўқ... Намоз ҳар динда турлича, имон эса ўзгармасдир” (Жалолиддин Румий, “Ичиндаги ичиндадир”, Тошкент, “Ёзувчи”, 1997 йил. 34–35-бетлар).

Шеърларни муаллиф таржима қилган.





Кёко НАКАЙАМА хоним,
Япониянинг Ўзбекистондаги
фавқулодда ва мухтор элчиси

Япония юксак тараққий этган мамлакатдир. Бу тараққиёт кўп жиҳатдан япон халқининг табиатан меҳнатсеварлиги ва тадбиркорлиги билан боғлиқ. Янгиликка, тобора яхши яшашга ва ривожланишга интилиш, энг сўнгги ютуқларни ҳам қабул қилиш ва янада такомиллаштиришга тайёр туриш япон халқи учун миллий фазилат бўлиб қолди.

Жуғрофий ўрни, иқлими

Япониянинг табиати жуда гўзал ва мафтункор. Мамлакат ҳудуди Тинч океанида жойлашган 6800 та ороллардан ташкил топган. Умумий ер майдони 378 минг кв.км. Бу ҳудуднинг 99 фоизи тўрт улкан орол: Ҳоккайдо, Хонсйу, Сикоку ва Кийусйуга тўғри келади. Япон ерлари шимолдан жанубга 3000 километрга чўзилиб кетган. Япония соҳилларини Тинч океани, Япон, Хитой ва Охота денгизлари ювиб туради.

Япон халқи ватан тупроғини улкан муҳаббат билан севади, ўта эъзозли муносабатда бўлади. Мамлакат ифтихори бўлган Фужи тоғи чўққиси денгиз сатҳидан 3776 метр


баланд. Япония ҳудудининг катта қисмида йил фасллари бутун гўзаллигини тўла намойиш этади. Миллий байрамларнинг йил фасллари алмашинуви билан боғлиқлиги ҳам бежиз эмас. Сўлим водийлар, ям-яшил тепаликлар, дарё ва қўллар Япония табиатига бетакрор ҳусн бахш этиб туради. Бироқ турли ороллардаги ҳаётни рисоладагидек тинч-хотиржам деб бўлмайди ҳам. Чунки бу ерда ёғингарчилик ҳаддан зиёд кўп бўлади. Бунинг устига, кучли бўронтошқинлар, селлар, жалалар, ер силкинишлари тез-тез содир бўлиб туради.

Аҳолиси ва ҳаёт тарзи

Япония юксак фаровонлик даражасига эришган мамлакат. Аҳолиси 126 милёндан ортади. Мамлакат нуфуси жиҳатидан дунёда саккизинчи ўринда туради. Таъкидлаш лозимки, Японияда аҳоли зич яшайди. 1 кв.км.га 337 киши тўғри келади. Катта шаҳарлардан: Токиода 7,97 млн, Йокогамада 3,31 млн, Осакада 2,6 млн, Нагояда 2,15 милён аҳоли истиқомат қилади.

Узоқ умр кўриш бўйича ҳам японлар дунё миқёсида энг юқори ўринларда. Мамлакатда эркаклар ўртача 77,1 йил, аёллар эса 83,8 йил умр кўрадилар.

Япония пул бирлиги иен. 115 иен 1 АҚШ долларига тенг.



КУНЧИҚАР ТО



Мухбиримиз Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ишлари бўйича маслаҳатчиси Сачиё СЭИА хонимга бир неча савол билан муурожаат қилди

Савол. Аввало, икки мамлакат — Ўзбекистон ва Япониянинг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларига тўхталсангиз. Япония халқининг урф-одатлари, байрамлари ҳақида ҳам билгимиз келади. Сизнингча, шарқ халқлари сифатида ўзбеклар билан японларнинг ўзига хос ва ўхшаш томонлари нималарда кўринади?

Жавоб. Ўзбекистон ва Япониянинг иқтисодий ва маданий алоқалари кундан-кун ривожланиб бораётгани бизни қувонтиради. Япон халқида Ўзбекистонга, унинг тарихига қизиқиш кучли. Шу боисдан юртингизга кўпдан-кўп делегациялар — олимлар, ишбилармонлар, маданият арбоблари келмоқда. Кўшма корхоналар очилмоқда, кўргазмалар ташкил этиляпти. Узаро тенгҳуқуқли ҳамкорлик яхши самара бериши табиий. Ўзбекистон билан япон халқини, Япония билан ўзбекистонликларни тобора яқиндан таништириб боришга интилоқдамиз.

Япониянинг умумхалқ байрамларидан:

- Балоғат ёшига етганлар куни (январнинг иккинчи душанбаси);
- Япония давлати ташкил топган кун (11 феврал);
- Кўкаламзорлаштириш байрами (29 апрел);
- Болалар байрами (5 май);
- Дарё куни (20 июл);
- Қарияларни ҳурматлаш куни (15 сентябр);
- Маданият куни (3 ноябр) кабилар кенг нишонланади.

Кузатишимча, ўзбеклар ҳам японлар каби ёши улуг инсонларни алоҳида ҳурмат қилишаркан. Ўзбекларнинг зийраклиги, кузатувчанлиги, ҳаракатчанлиги менга ёқади.

Савол: Япониянинг оз вақтда катта тараққиётга эришганига сабаб нима?

Жавоб: Аввало, шуни айтиш керакки, японлар жуда ҳам меҳнатсевар, изланувчан халқ. Бир оддий фирмани мисол қиладиган бўлсак, хизматчиларнинг ҳар бири ишнинг ривожини учун чин дилдан, астойдил жон чекиб меҳнат қилади. Худди ўз уйида ишлагандек ишлайди. Шунга яраша адолатли тақдирланади. Айни шу ҳолатни бутун мамлакат миқёсида кузатиш мумкин. Япония тараққиётининг негизи халқимизнинг ушбу фазилатида десам, адашмайман.

Савол. Ўқувчиларимизни Япониядаги динлар, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳам қизиқтиради.

Жавоб. Японияда унча катта дин — буддизм, синтаизм ва христианлик асосий ўрин тутарди. Ғарбнинг таъсири остида христианлик анча ривожланган. Ислому динига эътиқод қилувчилар ҳам оз эмас. Дарвоқе, Японияга Ислому динининг кириб келиши ва ёйилишида ўзбекларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Масалан, олим ва сайёҳ Абдурашид Иброҳим 1934 йилдан то умрининг охиригача (1944 й.) Японияда яшаган, 1937 йили Токиода илк жомеъ масжиди қурилишининг ташаббускори бўлган. Айни ўша пайтлари Абдулҳай домла исмли яна бир туркистонлик кўплаб япон ёшларининг Исломуни қабул қилишларига ва Исломуни Японияда дин ўлароқ қад тиклашига катта ҳисса қўшган. Хуллас, бугун Японияда барча йирик динлар фаолият кўрсатади.

Абдуқаюм ҲИКМАТ
суҳбатлашди

ОМОНЛАРДА



Нажмиддин МИРМАХМУД,

Абу Райхон Беруний номидаги

Шарқшунослик институти илмий ходими

НОДИРХОН ДОМЛА

Нодирхон домла 1899 йил Тошкент шаҳрининг ҳозирги Қорасарой маҳалласида мактабдор, мударрис оиласида таваллуд топган. Отаси Аловуддин домла Тошкент шаҳрининг эски шаҳар даҳасидаги Ҳазрати Имом майдонида жойлашган “Бароқхон” мадрасасида катта мударрис бўлиб хизмат қиларди. Ўн ёшларга кирганда ўғли Нодирхонни амакиси Низомиддин домлага ўқишга беради. У икки-уч йил давомида Низомиддин домла қўлида таҳсил кўради, мустақил равишда китоблар мутолаа қилади.

Нодирхон домла 1920—1929 йиллар мобайнида жадид мактабларида шарқ фалсафасидан, Навоий, Фузулий ва Бедил каби алломаларнинг асарларидан дарс берган. Усмон Носир, Абдулла Қодирий каби шоир ва адиблар билан улфат бўлган, кўпинча бир-бирлариникида ғазалхонлик мажлислари ўтказиб туришган. Усмон Носир шарқ адабиёти бўйича билимларида камчилик сезарди, шу боис Нодирхон домланинг уйига бориб, Навоий, Фузулий ва Бедил асарларининг нозик томонларини у кишидан ўрганган.

Сталин даврида Нодирхон домла билан улфат бўлган кўп адиб, шоир ва ёзувчиларга ҳам “аксиланқилобчи” тамғаси ёпиштирилди. Улар бирин-кетин Сталин сиёсати сўроқларига “тутилди”лар, турли жазоларга мубтало бўлдилар.

1943 йили Сталиннинг буйруғи билан “Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси” таъсис этилди. Унга раис (муфтий) этиб Шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон тайин этилди. У киши Нодирхон домла билан яқиндан таниш эди. Бу пайтда Нодирхон домла (1929—1947 йиллар) Каганович номидаги Тошкент вагон таъмирлаш заводида ўт ёқувчи, сўнг уста (мастер) вазифасида ишларди. Меҳнатнинг оғирлигига, жисмонан кўп толиқишига қарамасдан қўлидан китоб тушмас эди. Нодирхон домланинг чуқур билимидан хабардор Шайх Эшон Бобохон уни ўзига муовин қилиб олади. 1944—1947 йилларда Нодирхон домла заводдан ажралмаган ҳолда диний идора ишларига кўмаклашиб турди. Даставвал у диний идора қошидаги кутубхонага асос солиб, ишини йўлга қўйди.

Нодирхон домла кўп улуғ ишлар қилиб кетган. Биргина шу кутубхоначилик фаолиятининг ўзи у кишининг қанчалик олим ва фозил зот бўлганига далолат қилади. Кутубхонадаги жами 33000 дан зиёд китобларни алоҳида-алоҳида мав-

зуларга ажратиб чиққан. Жумладан: тафсир, ҳадис, фикҳ, тарих, мушкулот (сарф ва наҳв илмлари), тасаввуф, қадимий қўлда кўчирилган нусхалар, адабиёт (Сўфи Оллоҳёр, Яссавий) ва ҳоказо.

Бу мавзуларнинг ҳар бирига алоҳида муқовали катта дафтар тутиб, тартиб рўйхатини тузган ва китобларни рақамлаб чиққан. Сўнгра ҳар бир китобга хатжилд ёпиштириб, ушбу китоб ҳақида қисқача маълумотнома битиб қўйган. Хуллас, бир ўзи қарийб бутун бошли институт ишини бажарган эди.

1947 йилда Фафур Фулом ва Ҳоди Зарифларнинг тавсияси билан Нодирхон домла заводдан Фанлар Академиясига ўтказилади. Шунда завод директори: “Шу даражада олим экансан, нимага ўзингни танитмадинг”, деб ҳайрон бўлади. Академияда академик Е. Бертелс билан ҳамкорликда Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” асари устида иш олиб боради.

“Кейин билсам, — деб хотирлаган эди Нодирхон домла, — Навоийнинг беш юз йиллик тўйи муносабати билан тадбир ўтказилиши керак бўлганида, Фафур Фулом: *катта навоийшунос бор*, деб мени тавсия қилган экан”.

1947 йилдан 1975 йилга қадар Нодирхон домланинг асосий иш жойи Диний идора кутубхонаси бўлиб, Фанлар Академиясининг турли илмий буюртмаларини бажарарди. Шундай буюртмалардан бири Паҳлавон Маҳмуд мақбарасидаги шикаст топган тарихий битикларни асл ҳолига келтириш эди. Бу юмушни у аъло даражада уддалаган. 1968 йилдан яна Диний идоранинг фатво бўлимида иш фаолиятини давом эттиради.

Нодирхон домла кўп китоб ўқир ва мулоҳазаларини шу китобнинг ҳошиясига ёзиб қўяр эди. Қолдирган ёзма меросларидан Бароқхон мадрасаси тарихи, бир нечта ёндафтарларга битилган шеърый байтлар ва иш фаолияти жараёнида ёзиб қолдирган фатволаридир. Шу ўринда айтиш жоизки, Нодирхон домла мусулмонларнинг диний тақвимига ҳам биринчи бўлиб асос солганлардан (1948 йил) саналади.

Нодирхон домланинг шогирдларидан бири Усмон Носир бўлса, иккинчиси ТошДУ шарқ факултети ўқитувчиси марҳум Насимхон Шариповдир. Бошқа шогирдлари ҳақида маълумотлар учрамайди. Ундан Элбек, Ойбек, Фулом Зафарий, Абдулла Алавий, Чўлпон каби адиблар мумтоз адабиёт намуналарининг илмий таҳлили борасида маърузалар тинглашган.

Нодирхон домла 1975 йилда ўзи туғилиб ўсган жой — Тошкент шаҳрининг Қорасарой маҳалласидаги ҳовлисида вафот этганлар. Аллоҳ раҳмат қилсин.

— Адҳамжон болам, ёшинг қирққа яқинлашяпти, ҳали ҳам ақлинг кирмади-кирмади-да, — дея Омина хола сўрида маст ётган ўғлига тинмай насиҳат қиларди. — Ичмагин шу зормандани деганим сайин ичасан-а, болам. Ундан кўра, болаларингни ўйласанг-чи? Бунақада охиратингни куйдирасан-ку! Худонинг айтганини ҳам қилсанг-чи, болам...

Кўзим очқлигида болаларинг бахтини кўрсам девдим. Ўлсам, ортимдан дуо қиладиганим борлигини

кўрсам девдим... — деб хола кўзларига ёш олди.

— Нималар деб валдираяпсиз? — деди уйку аралаш Адҳам. — Кўзим очқлигида... ўлмасимдан бурун... намоз... охират... Худди эртага ўладигандай, жавраганингиз жавраган-а!..

Шу пайт кўча бошидаги масжиддан азон эшитилди. Омина хола индамай қолди. Азон тугагач, ўрнидан турди. Сўри ёнидан офтобани олиб, таҳоратланди. Намозга тушди...

Адҳам Омина холанинг ёлғиз ўғли эди. Отаси юрак хасталиги билан оғриб, барвақт оламдан ўтган, ёш Адҳам онаси билан қолган эди. Турмуш — мушт деганларидай, шўрлик бева аёлнинг бошига не кунлар тушмади, дейсиз. Ҳаёт ташвишларига кўмилиб, Омина хола ўғли тарбиясига кўп

эътибор қилолмади. Назоратсизлик туфайли баъзи болаларга кўшилиб, ахлоқи ўзгарди. Ўғрилиқ қилди... Қамалди... Кутулиб чиққач, Омина хола ва қариндош-уруғлар бирлашиб, уйлантиришди. Олахуржун бўйнига тушса, босилиб қолади, деб ўйлашди. Аммо бўлмади, ўрганган кўнгил... Хотини ҳам болаларини эргаштириб кетди-қолди.

Шу воқеадан сўнг Омина холанинг сира кўнгли ёришмади, сочлари оқариб, қадди чўкканини биров сезди, биров сезмади...

Омина хола икки тарафга салом бериб, дуога қўл очди:

— Эй Парвардигор, гуноҳларимни кечир. Дўзахингни узоқ қил, жаннатингни яқин қил... Болагинамга инсоф бергин, — деди-ю, кўнгли тўлиб, йиғлаб юборди. Шу пайт юраги қаттиқ санчди. Онаизор “оҳ” уриб нола қилди: — Эй Аллоҳим, Сендан сўнги тилагим — менинг болагинамга бахт ато

қилгин. Мендан кейин хор қилмагин, — дея, давомига

БОЛАМГА БАХТ АТО ҚИЛ

ҳоли келмай, калимаи шаҳодатни пичирлашга тушди...

* * *

Кўшнилари майитни меҳмонхонага ётқи-зишди. Эртаси кун пешин намозига кўтаридиган бўлишди.

Адҳам меҳмонхонага кираркан, кўшнилари-ридан бири:

— Кел, Адҳам болам, онанг билан видолашиб ол. Энди охиратда кўришамиз. Онанг бугун меҳмон. Эртага йўқ. Рози-ризалигингни сўраб қол. Ҳаммамиздан ҳам хато ўтади. Ҳозир сени эшитади, эртага эса йўқ... — деб қолди.

Бугун вужудини титроқ босди. Онасининг юзларига боқди. Бўғзига нимадир тикилди. Ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборди:

— Онажон, кечиринг мени... Кўр эканман... айбдорман... кечиринг...

Жаноза ўқилгач, тобутни мазорга олиб жўнашди. Қабрга кўйишиб, тупроқ тортишди.

Адҳам кўз олдида рўй бераётган бу ҳолатларга ортиқ бардош беролмади. Бошини чангаллаб, ўтириб қолди.

Тиниқ, оромбахш Куръон тиловати янгради. Ҳамма дуо қилди.

Райҳона

Турсун Муҳаммад Аълам
ТУРКИСТОНИЙ

ФОЛБИН, РАММОЛ, КАҲҲОН ЁМОНЛИГИДИН МУДРОҚҒА ОҒОҲ

Қуйида эълон этилаётган рисолаи ардоқли адабимиз Носир Фозил жаноблари Туркистондан атай келтириб тахририятга лутфан тақдим этдилар. Асар муаллифи «Гурбатий» тахаллуси билан шеърлар ҳам битган. Афсуски, бу олим ва шоирнинг ижоди, шахсияти ҳақида ҳозирча бошқа маълумотга эга эмасмиз. Эътиборни тортадиган жиҳат шуки, муаллиф ўз замонида бениҳоя урчиб кетган катта бир залолатга — коҳинлик, фолбинликларга лоқайд қараб туролмаган. Куюнчаклик билан бу аянчли ҳолатнинг ислоҳига киришган. Қолаверса, ушбу рисоланинг ёзилишига туртки бўлган, миллат таназзулига боис бу ҳолат бугунги кунда ҳам учраб турибди. Аксинча, баъзи содда ва омикишилар бу каби куфроний амалларга ишониши туфайли фолбинлар тегирмониغا сув қуйилмоқда. Биз ақида ўлароқ ҳамон Исломни ихтиёр этиб, мусулмонликни даъво қилар эканмиз, динимизга ёт барча нарсалардан буткул халос бўлмоғимиз керак. Бу ҳол Куръони Каримда шундай таъкидланади:

“Куфрга қарши курашда султлашмангиз ва ғамгин бўлмангиз. Агар ҳақиқий мўмин бўлсангиз, сизлар устун (буюк) бўласизлар!” (Ол-и Имрон, 139.)

Қалби мунаввар беғараз қардошларимизга очиқ-ойдин ва вафодор дўстларимизнинг ёрқин ақлу идрокларига асосли бўлсинки, бу рисолаи тўплаб ёзишга боис Туркистон шаҳрида фолбин, раммол ва қуръа ташловчилар пайдо бўлганда, хусусан, мулла Муҳиддин Хўжа номини ва ишларини рўкач қилиб шуҳрат топганида камина ва ўзга илм аҳллари мазкур шаҳар аҳолисини насиҳат йўли билан қайтарган эдик. Зеро, зарбардаст уламолар ва фуқаҳолар ул ишларнинг ҳаромлигини яқдиллик билан баён этганлар. Шунингдек, келажак воқеалари ва ўғирланган ё йўқолган нарса турган жойлар хабарини тасдиқлаш ва унга ишониш ҳанафийа мазҳаб китобларида аҳодиси на-

бавийа далолати билан куфрга сабаблиги баён этилган.

Бу рисолада келтирилган масалалар олимларга маълум бўлса-да, уларни бир неча китоблардан олиб тўпладим, чунки ҳар бир масалани мавридида излаб топиш бир оз қийинчилик турдиради. Мақсадим, олимларимиз улардан омма-халқни воқиф этсалар, шояд мўминлар фолбин, раммол ва қуръа ташловчилардан ўзларини тортиб, уларнинг ғайбдан берган хабарларига ишониш ва тасдиқлаш куфр эканлигидан огоҳ бўлсинлар.

Ҳар бир инсофли, ақл ва идрокли кимсага Эшони Сўфи Оллоҳёрнинг (алайҳи роҳма) “Саботул ожизин” китобидаги ақида асосларидан бўлган қуйидаги сўзлари кифоя қилиши керак:

«Яқин бил, ғайб ишидин
фолбинлар
Хабар берса агар ё аҳли
жинлар,
Киши чин билса ул ботил
сўзини,
Бўлиб кофир, қаро қилғай
юзини».

Аммо инсоф чегарасидан чиқиб қайсарлик ва кибр йўлини ихтиёр қилган фолбин ва унга эргашувчиларга чорамиз йўқ. Тўғри йўлда юрувчиларга Тангрининг раҳмати бўлсин.

“Кашфуз зунун”да “илмул рамл”га шундай таъриф берилади: “Рамл” ўн икки бурж сонига мувофиқ чизилган шакллар бўлиб, улар асосида сўралган нарсага жавоб берилади. Бу “илм” тажрибага асосланган тахминий ишдан иборат, ҳеч вақт аниқ бўлмайди.

“Илмул қуръа” — турли шакллар ҳолида ёзилган ҳарфлар билан келажак ҳодисаларини билиш даъвоси.

“Илмул қаҳона” — жин ва шайтонлар билан алоқа қилиб, улар орқали истиқбол ҳодисаларини билиш даъвоси.

Аллоҳ таоло: **“Фол-чўплардан қисматингизни сўрашингиз ҳам сизларга ҳаром қилинди. Зотан, бу ишларингиз итгоатсизликдир”** (Моида, 3), деб марҳамат қилади.

Бу ояти жалила мунажжимларнинг “Фалон юлдуз сабабли чиқма” ё “Фалон юлдуз сабабли чиқ”, каби сўзларига амал қилиш фикс (итгоатсизлик) эканини тақозо этади. Зеро, бу илми ғайбга дахл этишдир. Ваҳоланки, ғайбни Аллоҳ таолодан ўзга билмас (“Тафсирул Ҳаддоди”).

Шариатда мумкин бўлган истихора йўлидан бошқа — коҳин ва мунажжимлар воситасида истиқболдаги иқбол ё кулфатларни билишга интилиш манъ этилгандир.

Коҳинлик ҳаром экан, унинг пули ҳам ҳаромдир. Коҳинликни ҳақ билган кимса кофирдир. Чунки у ғайбни билишда Аллоҳга шерик бор деб эътиқод қилади (Муҳиддин. “Ақоиди насафийа хошияси”).

Ҳадисда шундай марҳамат қилинади: “Ким коҳинлик қилса ё тош, чўплар билан қисматини билмоқчи бўлса, ё сафаридан қайтарувчи қуш учирса, жаннатнинг олий даражаларини кўролмади” (“Рухул баён тафсири, 53-бет”).

Ибн Аббос (р.а.) ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: “Коҳинликдан сақланинг! Зеро, коҳинлик ширкка чақиради. Ширк ва унинг аҳли дўзахдир” (“Тафсирути Аҳмадийа”).

Илмул рамл ва фол (агарчи Мусҳаф билан бўлса-да) мазмум илмлар жумласидандир. Чунки булар Қуръони Каримда ҳаромлиги қатъий баён этилган азлом жумласидандир (“Ламаъот”, “Хошиятул Мишкот”, 16-бет).

Коҳиннинг ғайбдан берган хабарини тасдиқлаш, ояти карима ва ҳадиси шарифга



асосан, куфрдир. Пайгамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: “Ким коҳин хузурига бориб, у айтганни тасдиқ этса, Муҳаммадга нозил этилганни инкор этгандир” (“Фатовоу Соуд” асаридан).

“Ақидаи Таҳовийа”нинг шориҳи шундай ёзади: “Ишбоши ва барча қодирларга вожиб шулки, мунажжим ва коҳинларни, қуръа андоз ва фолбинларни кўча-кўйда ўтиришдан ҳамда хонадонларга бориб ўз “амал”ларини бажаришдан қайтарсинлар. Мазкурлар ўз ишларининг

ҳаромлигини билиб, кучи етатуриб, уларни қайтармаганларга **“Улар бир-бирларини қилган нолайиқ ишларидан қайтармас эдилар. Бу қилмишлари нақадар ёмон иш”** (Моида, 79) мазмунидаги ояти карима етарли ваъиддир.

Ғайбни билишни даъво қилувчилар бир неча турдир: “коҳин”, “арроф” ва “мунажжим”. Жини борлигини даъво этиб, унга истиқбол ишларидан хабар бериб туришни эътироф этувчилар “коҳин”; ўғирланган ва йўқолган нарсаларни билиш даъвогарлари “арроф”; юлдузлар ҳолатига қараб истиқболни айтувчилар “мунажжим” дир. Буларнинг барчаси шаръан мазмумдир. Зеро, ғайбни Аллоҳдан ўзга билмас.

“Инсон ғайбни билишни даъво қилса, коҳинга бориб уни тасдиқ этса, кофир бўлади”. (“Баззозил”) “Татархонийа” асарида: “Ўғирланган нарсаларнинг (жойини) билман, Менга жинлар хабар бераётгани учун билман, дейиш билан (одам) кофир бўлади”, дейилади.

“Бадбинлик ҳаромдир. Некбинлик мустаҳаб. Бу ўринда некбинлик деганда бирор ҳолни яхшиликка йўйиш, ниятга мувофиқ айтилган яхши сўз ва шу каби белгиларни тушунилади. Зеро, бунда ғайбга дахл бўлмай, фақат яхшилик истаги мужассамдир, холос” (“Тариқаи Муҳаммадийа” мухтасари).

Парвардигоро, ушбу битилганларни амал қилгувчиларга мақбул эт ва риоя қилишларига мадад бер.

1329 ҳижрий сана
(1911 милодий)

ИСЛОМДАГИ МУҚҚАДДАС ЖОЙЛАР

Исломи дини ягона Аллоҳга эътиқод этишига даъват қилади. “Ал-Қуддус” Аллоҳ таоло исмларидан бири бўлиб, “тоза”, “барча нуқсонун айблардан пок”, деган маънони билдиради. Аллоҳ таоло ҳамма камолот, ҳамма мақтовлар ила сифатлангандир. Қуръони Каримда бу ҳақда: “У – Аллоҳ, шундай зотдирки, ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат унинг Ўзи бордир. У (ёлғиз) подшоҳдир, (барча айб-нуқсондан) покдир-саломатдир” (Ҳашр, 24), деб марҳамат қилинган.

Аллоҳни поклаш Уни зотига нолайиқ нарсалардан поклашдир. Шунинг учун Қуръони Каримда малоиқалар тилидан: “Биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тутамиз”, дейилади (Бақара, 30).

“Тақдис” (яъни, “муқаддас санаиш”) сўзи Аллоҳдан бошқа нарсаларга нисбатан қўлланганда ҳам “поклаш” маъносига ишлатилади. “Кучлиларидан заифларини ҳимоя қилолмаган умматни Аллоҳ таоло покламайди (яъни улуғламайди)», деган ҳадис фикримизга далилдир.

“Муқаддас макон” ҳам буту санамлардан пок маскан демакдир.

Ислолда бир қанча муқаддас маконлар бор. Булар Каъбаи мутаҳҳара, Масжидун Набий алайҳи васаллам ва Масжидул Ақсоидир. Бу жойлар номига муқаддас сўзи қўшиб ишлатилганда ширку бутлардан покиза жой маъносига тушунилади.

Намозхон қиблага қараб ибодат этганида Каъбага ҳам, Ҳажарул асвадга ҳам сиғинмайди, балки Аллоҳга юзланиб, Аллоҳ ризолиги ниятида намоз ўқиган бўлади. Каъба ернинг мусулмонлар юзланиб, Аллоҳга ибодат этадиган бир нуқтаси холос. Расули

Акрам (с.а.в.): “Мўминнинг қадри Аллоҳ ҳузуринда Каъбаникидан баланд” деганлар.

Бир кун Расулulloҳ (с.а.в.) Каъбага қараб туриб: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, эй Каъба, қандоқ ҳам покизасан! Сенинг ҳидинг нақадар хушбўй, ҳурматинг қандоқ ҳам баланд, лекин мўминнинг ҳурмати сеникидан баланд. Аллоҳ таоло сенинг атрофингда уруш-низо қилишни ҳаром этган, мўминнинг қонини тўкишни, моли ва иззат-обрўйини пойма қилишни, ҳатто мўмин одам ҳақида ёмон гўмонга боришни ҳам ҳаром қилди”, дедилар.

Аллоҳ таоло бир оятни каримасида Каъба ҳурмат жиҳатдан энг аввал зиёрат қилинадиган макон эканини эслатади: “Қадим уйни тавоф қилсинлар”, (Ҳаж, 29). Бошқа бир оятда Каъбани Аллоҳга нисбатлаб: “Улар мана шу уйнинг Парвардигорига ибодат қилсинлар!” (Қурайш, 4) хабари берилди.

Хўш, ушбу “қадим уй” – Каъба тарихи қандай?

Манбаларга кўра, пайғамбарлар отаси Иброҳим алайҳиссаломга мушрик қавмларнинг озор-азияти кучайиб кетгач, хотинлари Ҳожар билан

Каъба тарихи

“Тоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта, Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжидул-Ҳаром (Макка) томонга бурунг! (Эй мўминлар, сизлар ҳам) қаерда бўлсангизлар. Юзларингизни унинг тарафига бурунгиз!” деди (Бақара, 145).

лан ўғиллари Исмоилни (а.с.) олиб, кимсасиз, гиёҳ унмас водийга келадилар ва мусулмонлар ёлғиз Аллоҳга ибодат этадиган маконни – тавҳид рамзи ҳисобланмиш Каъбани

бунёд қилишга киришадилар.

Замонлар ўтиши билан илк бор Каъбани қурган зот ҳақида кўп ривоятлар пайдо бўлди. Бирида Одам (а.с.) дейилса, бошқасида малоиқалар, яна бир ривоятда Шис ибн Одам (а.с.) ёки Идрис (а.с.) дейилади. Ҳақиқатга энг яқини Иброҳим (а.с.) ва Исмоил (а.с.) томонидан қурилганлигидир.


Иброҳим (а.с.) ўғиллари билан Каъбани қурганларида унинг баланлиги 7 зирוף, узунлиги 30 зирוף, кенлиги 22 зирוף эди (1 зирוף – 80 см). Кейинчалик Қурайш қабиласи

Каъбани баландлиги 18 зироъ қилиб қайта қурди. Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) унинг баландлигини 27 зироъ, Абдул Малик ибн Марвон ҳам 27 зироъ қилиб қурганлар. Ҳозирги кунда Каъба куб шаклида бўлиб, узунлиги 15 метрдир.

Айтишларича, биринчи бўлиб Каъбага каъбапўш кийдирган киши Туббаъ исмли молик бўлиб, туш кўрганидан сўнг бу ишни қилган. Кейин халифа ва султонлар кимўзарга Каъбага турли каъбапўшлар кийдирдилар. Ҳозирги кунда каъбапўш қора ипакдан бўлиб, чоклари ва нақшлари тилла суви юритилган ипдан тикилади. Аввал Миср узоқ вақт каъбапўш билан таъминлашга бошчилик қилди, кейинчалик Саудия Арабистони бу ишни зиммасига олди.

Каъбада “Ҳажарул асвад” деган тош бор. Ҳаж пайтида Каъба атрофини тўрт марта тавоф этиш фарз амалларидан бўлиб, мусулмонлар шу тошни белги қилиб, тавофни бошлайдилар.

Каъба — муқаддас уй, Масжидул Ҳаром унинг атрофидаги майдондир. Аввалда Каъба атрофида уни ўраб турган деворлар



йўқ эди. Ҳазрати Умар (р.а.) халифалик даврларида: “Каъба Аллоҳнинг уйи, уй бўлганидан кейин, албатта, унинг ҳовлиси ҳам бўлиши керак”, дедилар ва эгаларини рози қилиб Каъба атрофидаги уйларни сотиб олдилар. Уйлар бузилгач, Каъба атрофида катта майдон ҳосил бўлди. Умар

(р.а.) майдон атрофини девор билан ўрагирдилар. Тарихчиларнинг ёзишича, ҳижратнинг 16-йили Умар (р.а.) яна бир неча уйни сотиб олиб, Масжидул Ҳаромни яна ҳам кенгайтирган эканлар. Баъзилар бу эзгу иш бўлгани учун уйлари эвазига берилган пулни олишмаган, қайтариб хазинага топширишган. Ҳижрий 26-йили Ҳазрати Усмон (р.а.) яна бир қанча уйни сотиб олиб, Масжидул Ҳаром саҳнини кенгайтирдилар. Масжидни пешайвонли шаклда таъмирладилар. Ҳижрий 64-йили Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) ҳам бир неча уйни сотиб олиб Масжидул Ҳаромнинг шарқий ва жанубий томонларини кенгайтirdи. Ҳижрий 75-йили эса Абдул Малик ибн Марвон масжид девори сатҳини баланд кўтартирган. Валид Масжидул Ҳаромга кираверишни мрамр билан қоплаттирди. Шу зайлда то Саудия подшоҳи Сауд ибн Абдулазиз давригача келган барча амир ва султонлар Каъбага, Масжидул Ҳаромга катта иноят кўрсатганлар.

Изоҳли луғат

“АЛЛОҲ” ўрнига “ТАНГРИ” деса бўладими?

Бизнинг ота-боболаримиз мусулмон бўлишларидан аввал ҳам яратувчи зот борлигига ишониб яшар эдилар. Ҳар қавмнинг ўзига хос диний эътиқоди мавжуд бўлган. Туркий халқлар яратувчи зот сифатида “Тангри”га ишонишар эди. Бу сўз “ибодат қилинадиган зот” маъносида бўлиб, араб тилидаги “Илоҳ”, франсуздаги “Диэу”, форс тилидаги “Худо” ва инглизчадаги “Год” билан айна маънони ифода қилади. Аммо бу сўз Яратувчининг бутун асмоул хуснасини (гўзал исмлари-

ни) ўз ичига олган ва исми зот бўлган “Аллоҳ” сўзининг маъносини бера олмайди. “Аллоҳ” деганда қудрати бутун коинотда акс этган беназир бир зот тушунилади. Яъни, у зот маъбуди мутлақ, холиқи мутлақ, мақсуди мутлақ, раззоқи мутлақ бўлган Аллоҳнинг хос исмидир.

“Тангри” дейилганда юнонликлар Зевсни, мисрликлар Анис буқасини ва ҳиндлар ўзларининг сигирларини тушунадилар. Шунинг учун ҳам бир инсон “Аллоҳ” ўрнига “Тангри”ни ишлатса хато қил-

ган бўлади. Зеро, бизнинг тангримиз Аллоҳ, аммо илоҳимиз Тангри эмас. Шу туфайли “Ла илаҳа иллаллоҳ” деймиз, аммо “Ла Аллоҳа иллаллоҳ” дея олмаймиз. Кўриб турганимиздек, аввало, бутун «илоҳлар, тангрилар» инкор қилиниб, сўнгра маъбуди мутлақ бўлган Аллоҳни бордир дейилмоқда.

“Мавлуди шариф” муаллифи Сулаймон Чалабий бу икки калима орасидаги фарқни қуйидаги байтларида жуда чиройли ифода қилганлар:

“Бирдир Аллоҳ, ундан бошқа Тангри йўқ”.

“Ҳақиқат сари” китобидан
Фатҳиддин МАНСУР
тайёрлади



АЛЛОҲНИНГ ЁРДАМИНИ ЯҚИЙНАН КЎРДИМ

Ўтган йилнинг кузида ҳаётимда бир воқеа содир бўлдики, бир умр ёдимдан чиқмаса керак.

Уйда дам олиб, рисола ўқиб ўтирган эдим. Ёнимда икки ярим яшар ўғлим Муҳаммад Амин гиламда ўйинчоқларини ўйнаётган эди. Бир вақт турмоқчи бўлиб, оёғи тагидаги ўйинчоқларидан бирига қоқилиб кетди. Телевизор турган жавончанинг эшиги очик турган экан. Бутун оғирлиги билан ўша эшикнинг қиррасига юзи билан урилди. Бирдан дод солиб, типирчилаб қолди. Қўрқиб кетдим. Шоша-пиша ўғлимни кўтариб олдим. Юзини қўлчалари билан беркитганча, юракни эзиб юборгудек чинқириб йиғларди. Катта қизим тезлик билан бир сочиқни хўллаб олиб келди. Қўлчасини олиб юзига қарасам, ўнг қошининг тагида, бурунга яқинроқ жойида нўхатдек катталикда бир тешик пайдо бўлди. Атрофи эзилган. Бирданига тешикдан тўқ қизил қон оқиб кетди. Беихтиёр хўл сочиқни юзига қаттиқ босдим. Нима қилай — касалхонага обораимми ёки “Тез ёр-

дам” чақирайми? Балки бошни қимирлатиш керак эмасдир?

Бирдан Фотиҳа сураси ҳақидаги Имом Бухорий келтирган бир ҳадис эсимга тушди. Саҳобалар Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) олдиларига келиб, ҳеч қандай дори қор қилмаган касални бир саҳоба тузатганининг хабарини беришади. Расулulloҳ (с.а.в.) уни ҳузурларига чақиртирадилар-да, қандай қилиб тузатганини сўрайдилар. Шунда у саҳоба: “Мен Фотиҳа сурасини ўқиб қўйувдим, тузалиб кетди, эвазига менга мунча пул ҳам берди”, дейди...

Ўғлимнинг юзига хўл сочиқни босганча, Аллоҳнинг ёрдам беришига ич-ичимдан ишониб, “Ё Аллоҳ, шифо бер!” деб Фотиҳа сурасини ўқий бошладим. Ниҳоят, йиғиси тўхтаб, ўғлим ухлаб қолди. Шу йўсин ўн-ўн беш дақиқача ўтирдим. Хотиним ишдан келди. Мен унга: “Бош мияси қаттиқ чайқалган, бўлмаса, ухлаб қолмас эди”, дедим. У: “Жароҳатини кўрайлик”, деди. Социқни юзидан секин олдим ва... кўзларимга ишонмай қолдим. Бояги тешилиб қолган жой битиб кетган эди! Фақат, жароҳат ўрнида соч толасидан ҳам

ингичка бир чизиқча қолган, холос. Қондан эса, асар ҳам йўқ.

Бир пайт “Тез ёрдам” келиб қолди. Ҳовлиқиб чақирганим учун, ҳеч қандай хавотирлик жойи йўқ, деб дўхтир йигитдан узр сўрадим. У эса: “Бекор қонни тўхтагибсиз. Энди кўз, бурун, пешона қисмига қон талашади”, деди. Касалхонага олиб бориб бошни текширтмасак, асорат қолдириши мумкин, деб мени ўғлим билан “Саёҳат” меҳмонхонасининг орқасидаги касалхонага олиб кетди. У ерда бошини текшириб, мияга ҳеч нарса қилмаган, деб жароҳатни ювиб-тозалаб, рухсат бериб юборишди.

Йўлда кетатуриб, “Ваҳима-чи бўлиб қолибман”, деб ўйладим. Бирдан “Ахир, мен Аллоҳдан ёрдам сўрадим-ку, жароҳат чиндан ҳам хатарли эди-ку!” деган сўзлар миямга келди.

Ҳа, Яратгандан ихлос билан, чин дилдан ёрдам сўралса, Аллоҳ ёрдам беришининг далилини ўз кўзим билан кўрдим. Бутун баданим жунжикиб, кўкрак қисмим, бошим, қўлларим ва куракларим тагида қандайдир муздек титроқ сездим.

Ҳозир ҳам сизларга хат ёзяману вужудимда шундай титроқ турибди. Шу воқеани кимга гапириб берсам, ҳайратдан титраблар кетаман.

**Маъруфжон
МАРҲАМАТЖОН** ҳожи ўғли,
Тошкент шаҳри

Насихат

Озордан сақланинг

Сиз қалбга, у қалб итоатли бўладими ё гуноҳкор бўладими, озор беришдан сақланинг. Билинги, Парвардигори Олам субҳонахуга қалбдан яқинроқ нарса йўқдир. Ҳамсоя ким бўлмасин, ҳимоя қилинади. Аллоҳ таолонинг ранжишига сабаб бўлгувчи куфрдан сўнг қалбга озор беришдан ҳам оғирроқ гуноҳ йўқ.

Барча инсонлар Парвардигори Олам бандалари — қулларидир. Қулни ҳақоратлаш унинг хожасини ҳақоратлашдир. Бинобарин, Парвардигорнинг бандаларига У зот белгилаган тартибда муомала қилмоқ керак.

Аҳмад ФОРУҚИЙ

Исмнинг нима, холажон?

Талабалик даврим эди. Ўқишдан қайтсам, опам энди тили бийрон бўлиб чиққан ўғилчаси билан меҳмонга келиб, пешайвонда беш-олти киши чойлашиб ўтиришган экан. Саломлашиб улгурмасидан жиянчам бўйнимга осилиб олди. Уни бағримга босиб, эркалаб:

— Қалайсан, катта йигит бўлиб қолибсан-ку. Сен ўзи кимнинг ўглисан? — деб сўрадим.

У талтайганча:

— Адамми, — деб жавоб берди.

— Адангнинг отлари нима?

— Отлари Адажон. Улани кучлари кўп, — деб қўл мушакларига имо қилиб кўйди.

— Мен сено адангнинг отларини сўраяпман.

— Айтдим-ку Адажон деб.

— Хўп майли, бўлмасам, менинг отим нима.

— Тоғажон.

Давранинг тўрида ўтирган Саломат бувим жилмайиб кўйдилар-да, болага ҳар кимнинг исмини аниқ айтишни ўргатинглар, деб бошларидан ўтган бир воқеани сўзлаб бердилар. Мана ўша воқеа:

“Олти ёшларда бўлсам керак, жойлари жаннатда бўлгур ойим раҳматлик янги тушган келинойим билан менга тоғорада қовурдоқ бериб, икки-уч кун илгари кўзи ёриган холамни кўриб келишга йўллаб юбордилар. Бешёғочдан Чорсуга пиёда кетдик. Мўлжалга етиб боргач, ҳамма эшиклар бир-бирига ўхшашлигидан холамнинг

уйларини топа олмадик ва гузардаги чойхонага бордик. Ичкари кириб, елкасига сочиқ ташлаганча, чойнакларни хафсала билан юваётган чойхоначидан:

— Амаки, холамнинг эрлари поччамнинг уйларини айтиб беролмайсизми, — деб сўрадим. Чойхоначи нимтабассум билан: — Холангнинг эри поччангнинг отлари нима? — деб сўради.

Мен наҳотки у киши шуни ҳам билмаса, деб ҳайрон бўлиб:

— Холамнинг эри поччамда, — дедим

— Ундай бўлса, холангнинг оти нима?

— И-е, шуни ҳам билмайсизми? Холамнинг оти «Хола» бўлади-да.

Басавлат чойхоначи мийғида кулиб:

Йўқ, билмас эканман, — деб кўйди.

Кўчага чиқиб қидиришда давом этдик. Қўлимиздаги юк огир. Чарчаб гузарга қайтиб, яна чойхоначидан сўрадик. У яна елка қисди. Хулласи калом, топа олмай шомга яқин чарчаб уйга қайтиб келдик.

Кейинчалик билсам, «холамнинг эри поччам» ўша чойхоначининг ўзи экан. Агар катталар бир оз эътибор бериб, ўз вақтида поччам билан холамнинг исmlарини ўргатишганида, афандининг ишини қилмаган бўлармидик”.

Саломат бувим бу воқеани ярим кулги, ярим ачиниш билан айтиб бердилар. Биз ҳам кулган бўлдик. Аммо ичларимизда қандайдир туйғуларимиз сергак тортди.

Дарқоҳиқат, бугун болаларимизга қариндош-уруғларимизни, демакки, ўзларимизни яхши танитяпмизми?

Омонуллоҳ МУТАЛ

Онанинг мактубиди

Бола дадасидан олган пулини тезда ишлатиб қўйди ва кўпдан бери орзу қилиб юрган тўпини яна сотиб ололмади. Икки-уч ҳафтадан сўнг ёз таътили бошланади. Болакай ўйланиб қолди.

Дадаси ўқийдиган журналларнинг бирида ҳар қандай хизмат тури учун тўлов борлиги ҳақида ўқиб қувонди. Уй ишларини бажарганим учун, албатта, нимадир олишим керак, деган хаёлга борди.

Шоша-пиша бир кунлик ишлари рўйхатини тузди. Уларнинг ёнига ҳақини ҳам ёзиб чиқди. Нонга бориб келиш учун фалон сўм, ахлат тўкишга бунча, бозорга боришга яна кўпроқ... Бир ойлик хизмат ҳақи фалон минг бўлар экан.

Рўйхат остига имзо чекиб, онасининг сумкасига солиб қўйди. Бу “оқилона кашфиёт”идан кўзлари порлади, ўзича чексиз қувонди.

Эртаси куни ёстиғи тагидан фалон минг сўм пул билан бирга кичик бир қоғоз парчасини топди. Унда онасининг ушбу сатрларини ўқиди:

“Ўғлим, сени ўлим билан олишиб дунёга келтирганимнинг, йиллар бўйи хизматингни қилганимнинг, минг бир машаққатлар билан боқиб катта қилишимнинг баҳоси бор-йўғи сени яхши кўришим ва ёноғингдан ўпишим эди, холос. Ишлаб топган пулингни ўйнаб-кулиб, хоҳлаган эҳтиёжинг учун сарфла, болам!”

Болакай бир бошқача бўлиб, ичи жимирлаб кетди.

Нигора ИСМОИЛОВА

Бир саволим бор

Умра ва ҳажж учун эҳромга кириш тартиби қандай? Қачондан эҳромга кирилган ҳисобланади? Эҳромга кирган инсонга нималар тақиқланади?

Алишер Холбеков,
Булоқбоши

Жавоб. Умра ё ҳажж эҳромсиз адо қилинмайди. Эҳромнинг умра ва ҳажж амалларидаги ўрни тақбири таҳриманинг намоздаги ўрнига тенг.

Эҳромга кирмоқчи бўлган киши таҳорат ё гусл қилади. Гусл қилиш яхшироқдир. Тирноқ ва мўйлабларини қисқарти-

ради. Баданни олиниши лозим бўлган туклардан тозалайди.

Эркаклар тикилган кийимларини ечиб, белдан пастини тизза билан қўшиб тоза оқ чойшаб билан ўрайди. Намоздан сўнг “Илоҳим, мен ҳажжни (умра) қасд қилдим, уни менга осон эт ва қабул айла” деб ният қилган ҳолда талбия (Лаббайкаллоҳумма лаббайк...) айтиш билан эҳромга кирган ҳисобланади. Талбия айтмаса, эҳромга кирган бўлмайди.

Эҳромга кирган инсон жуфти билан жинсий яқинликдан, гуноҳларнинг барча туридан, йўлдошлари билан тортишувдан сақланиши лозим. Шунинг-



дек, жониворларни ўлдирмайди, тикилган кийимни мутлақ киймайди, баданини ёғламайди ё хушбўй нарса суртмайди, соч, мўйлаб ва тирноқларини олмайди. Имкони борича талбияни кўп айтади («Ҳидоя»).

Эҳромдаги инсон ҳажж ё умрани адо этаётиб, бу қайтарилган ишларга қўл урса, тегишлича жонлиқ сўйиб ё садақа бериш билан жиноятининг каффоратини ўташи керак.

Шукр нима? Унинг маъноси ва адо этилиши қандай бўлади?

Самад Чориев,
Денов

омонлиги, бойлигу мансаби Аллоҳдан эканлигини билиб, икром бўлиши қалб шукридир. Шукрнинг бу тури барчага фарздор. Куръони Каримда шундай марҳамат қилинади:

وَمَا يَكُم مِّن نِّعْمَةٍ مِّنَ اللَّهِ

«Сизлар эришган барча неъматлар Аллоҳ таолодандир» (Наҳл, 53).

Тил билан шукр миннатдорликда бўлиш ва сано айтиш билан адо этилади. Ваз-Зуҳо сураси охириги оятининг тақозоси шундай.

Тоатларни давомли адо этиш ва гуноҳлардан сақланиш амалий шукрдир. Расули Акрам (с.а.в.) намозда узоқ туришлари сабабли муборак оёқлари шишиб кетарди. Буни кўрган саҳобийлар: “Ё Расулуллоҳ! Парвардигор сизни ёрлақгани шубҳасиз. Шундай экан, бу ҳол нечун?” деб сўраганларида, Расули акрам (с.а.в.): Шукрли банд бўлмайинми? — деб жавоб бердилар. (Имом Бухорий). Бу ва Ол-и Имрон сурасининг 123-ояти мазмунига биноан Аллоҳдан кўрқиш, унинг амру наҳйиларига риоя этиш билан Аллоҳ берган неъматларнинг амалий шукрини келтиришдир.

Инсонларнинг ўзаро муносабатидаги шукр яхшиликларни ёқлаш, эзгу ишда амалий ёрдам кўрсатиш билан адо этилади.

Қурбонлик кимларга вожиб? Қандай моллар қурбонликка ярамайди?

Ғани Ҳамро,
Тайлоқ

Жавоб. Қурбонлик сўйиш озод, муқим, бой мусулмонга вожибдир. Ҳожати аслиядан ошиқ мол-мулкнинг қиймати закот нисобига етган киши бу ўринда бой ҳисобланади. (Аммо қурбонлик учун моли нисобга етиши кифоя, бир йл туриши шарт эмас.) Бой мусулмон қурбонлик қилмаган бўлса, қурбонлик қийматини садақа қилиши вожибдир.

Жуда ориқ, юролма даражада чўлоқ, қулоғи, думи ва кўриш қобилиятининг учдан биридан кўпини йўқотган кўй, мол ва туя қурбонликка ярамайди. Кўйни бир киши, туяни етти кишигача қурбонлик қилиши мумкин. Етти кишидан бирининг нияти гўшт олиш бўлса, қолган олти кишининг ҳам қурбонлиги мақбул бўлмайди. («Мухтасарул виқоя»)

Жавобларни
Муҳаммад ШАРИФ ЖУМАН

тайёрлади

БИР ЧАШИМАКИ, БАҒРИ ШУЛА ДУР

Тўртликлар

Инсоф адолат-ла қилади амал,
Барчага саломин этмайди қанда.
Садақа улашар ўзи камбағал —
Ўшадир имони мукаммал банда.

Ҳасад ўтида бағри қуяди,
Тешик қулоққа ғийбат қуяди.
Ҳатто қуёшдан қалбида гумон —
Нетай, бир сувда балиғу илон.

Ақдан нишона бўлганда либос,
Сарвари олам кўярди ихлос.
Ноёб матоҳлар кийиб гердаймоқ
Камтар тупроқни унутмоқ, холос.



Мағлубият қанча бўлмасин аччиқ,
Ғолибга мардона тан беради мард.
Номард-чи? Кўксида оловли санчиқ,
Пайт пойлар, қалбида бедаво бир дард.

Ҳирсининг қўли қирқтадир,
Илинганни кертадир.
Садоқатга дуч келиб,
Ўз ёқасин йиртадир.

Қай бир қалба манманлик
Ниҳоли топса камол,
Йўқ унга ҳеч омонлик,
Чирмайди илон — завол.

Хоҳ рози бўл, хоҳ норози,
Омонатин олади ўзи.
Нафас олиб турибсанми, бас,
Хизматдадир тошу тарози.

Тошпўлат ХОЛМАТОВ,
Ўрта Чирчиқ гумани

Насихат

Алишер Пўлатов

ИМТИҲОН

Яратган Роббимизга бағишлай-
япмизми? Холбуки, бу дун-
ёда қиладиган хайрли ишла-
римиз, ибодатларимиз ўзи-
миз учундир, икки дунёимиз-
нинг ободлиги учундир. Аллоҳ
бандаларининг ибодатига зор
эмас, Унга саноксиз фариш-
талар туну кун ибодатдадир.
Буларнинг ҳаммаси ўзимиз
учун фойдали бўлишини
Аллоҳ марҳамат қилган.

Бу дунёда баъзилар мол-
дунё йиғиш, еб-ичиш, вақт-
ни беҳуда сарфлаш билан ум-
рларини гафлатда ўтказиб
юбормоқдалар. Ажал эса, ҳеч
кимдан сўрамай, кўққисдан
келади. Кеча бирга юрган би-

родаримиз бугун орамизда
йўқ. Ҳеч кимга абадий ҳаёт бе-
рилмаган. Дунёга ёпишганлар
ўлимдан жуда кўрқади, чун-
ки бу дунёда савобга эга
бўлмагани учун у дунёда қат-
тиқ азоб кутмоқда. Аллоҳнинг
дўстлари эса, ўлимдан
кўрқмайдилар, улар ўлимни
бу дунёдан у дунёга ўтиш
эшиги деб биладилар.

Ўзимиздан фарзандлари-
мизга мол-дунё қолдириш-
га ҳаракат қиламиз, аммо
инсонга асл зийнат билим
хазинасидир. Биз бугун улар-
га билганларимизни ўргат-
сак, илм ва тажрибалари-
мизни қолдирсак, эртага
уларнинг жоҳил бўлиб
ўсганларидан ўпқаланиб юр-
маймиз, жамиятга ҳам фа-
қат фойдамиз тегеди.

Кириш

Дин тарихига оид адабиётларни варақлар эканмиз, қадимдан инсонлар ўртасидаги зиддият ва келишмовчиликлар сабаби — жамият аъзоларидан бири ўзининг ҳаммадан устун эканини исботлашга уринганини, бошқалардан юқорироқ мавқеини бошқалар тан олишларини талаб этганини, бу ҳол эса, охир-оқибатда ўша жамият осойишталигидаги мувозанатнинг бузилишига олиб келганини кўрамиз. Агар бу ҳолнинг олди олинмаса, яъни, ношукр банданинг нафсига ва эҳтиросларига эрк бериб қўйилса, у ҳатто худодликни даъво қилишдан ҳам тоймаслиги мумкинлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Дин осий банданинг ҳаддан ошишга бўлган ана шундай интилишларининг олдини олувчи энг таъсирчан омил ҳисобланади.

Дин бандаларни Ҳақ таоло олдида масъулиятли эканини тушунишларига, Аллоҳдан қўрқиб, жамиятнинг бошқа аъзолари билан баҳамжиҳат яшашга даъват этади.

Ҳеч шубҳа йўқки, мамлакат бошқарувида дин энг яхши таянч воситаси бўлиб, бандаларни инсофу тавфиққа, атрофидаги мўминларга нисбатан самимий муносабатда бўлишга, Аллоҳдан қўрқиб яшашга, Яратганга мақбул бўлмайдиган ишларни қилишдан ўзини тийишга, ўзидан ожизларга раҳм-шафқат кўзи билан қарашга, Аллоҳнинг ердаги сояси бўлмиш ҳукмдорга эса, ҳурмат-этиқод назари билан қараб, унинг ҳукмларига



Гофуржон СОТИМОВ

БОБУРИЙЛАР ДАВЛАТИ БОШҚАРУВИДА ДИН

сўзсиз итоат этишга чақиради ва шу руҳда тарбиялайди.

Ҳиндистонда диний вазият

Бобурий подшоҳлар ҳукмдорлиги даврида Ҳиндистонда мусулмон динининг турли мазҳаблари тарқалган бўлиб, уларнинг вакиллари бошқа дин ва мазҳаблар билан доимий рақобатда бўлар эдилар. Албатта, бу рақобатни баргараф қилиш борасида ҳукмдорлар томонидан кўп ижобий ҳаракатлар бўлар эди-ю, бироқ мутаассиб қарашдаги кимсаларни ишонтиришга ҳар доим ҳам муваффақ бўлинавермасди.

Бу даврда Ҳиндистонда Иломнинг шиъа, сунний мазҳабларидан ташқари, яна бир қанча оқимлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам ҳукмдорга таъсирини ўтказишга интиларди. Улар орасида *маҳдавийлар* ва *муҳаддислар* ҳаракати, шунингдек *нақибандийа* ва *қодирийа* тариқати тарафдорлари каби диний оқимлар ҳаракати алоҳида кўзга ташланади.

XV асрнинг бошларида мамлакатнинг шимолий қисмида *маҳдавийлар* ҳаракати кенг тарқалди. Бу оқим сардори Саид Муҳаммад Жопурий бўлиб, у Илом динини ўзининг дастлабки софлик ҳолатига қайтаришга интиланган. Бу назария ўша вақтда кенг тарқалган “Мажолисис Ҳазрат Бандаги Миён Мустафо Гужарати” деб номланган рисола тамойилларига асосланган эди. Таълимотларига кўра, тўрт мазҳаб орасидаги фарқларга барҳам берилиб, уларнинг барчасини бирдамликка ва якка Аллоҳнинг ўзигагина сўғинишга ва фақат Муҳаммад (с.а.в.) илгари сурган ғояларигагина содиқликка тарғиб этишарди. Бу ҳаракат Синд, Гужарат, Биёна, Колпи каби вилоятларга кенг тарқалди ва асосан деҳқончилик билан банд бўлган аҳолини қамраб олди.

Яна бир катта оқим *муҳаддислар* (ҳадисшунослар) ҳаракатидир. Мақсадлари Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўғит ва насихатларини тўплаш ва уларнинг моҳият ва мазмунини осий бандга содда тил

билан баён қилиб, Пайгамбаримизнинг (с.а.в.) турмуш тарзларини ташвиқ этиш билан бандаларни Аллоҳ иродасига итоат эттиришдан иборат эди. Бу ҳаракатнинг тепасида Шайх Али Муттақий исми уламо турган. Асосий ғояси барча мусулмонларни шариат талабларига тўла итоат қилишларига ва бу талабларнинг соф ҳолда сақланишига эришиш эди. Кейин унинг ишини Шайх Муҳаммад ва Шайх Абдулҳақ Муҳаддис Деҳлавийлар давом эттиришди. Акбаршоҳ даврига келиб бу оқимга Абулфазл Алломий¹ ва Абдурахмон² хонихонлар етакчилик қилишди.


Нақшбандийа тариқати Бобуршоҳ ҳукмдорлиги даврида кенг ёйилган оқимлардан бўлиб, бу оқимнинг Ҳиндистондаги сардори Зиё Аҳмад исми шахс эди. Улар ҳам шариатнинг софлиги учун курашишган ва бу борада сезиларли натижаларга ҳам эришишган. Ҳумоюн ўзи шаттарийа тариқатига мойил бўлгани учун бу ҳаракатни қўллаб-

даги аёллар ўртасида катта обрў қозонди. Ниятлари сўфийлик оқими вакиллари томонидан Ислом ақидаларига қўшилган қўшимчалардан динни тозалаш ва Ислом руҳига бегона иллатларни сиқиб чиқариш эди. Улар узоқ муддат давом этадиган бедорлик ила ибодат қилишларни, шунингдек, қаттиқ овоз чиқариб зикрга тушишни ва азиз-авлиёлар номига қасам ичишларни манъ қилишни талаб этишарди. Сўфийликни ислоҳ қилишдан ташқари, Ҳиндистон мусулмонларига маҳаллий кофирлардан ўтиб қолган урф-одатларга ҳам қарши курашишарди. Шу тарзда улар *чештийа*³ тариқати тарафдорларининг мусулмонлар билан ҳиндуизм вакиллари жамоаларини ўзаро яқинлаштириш ва улар ўртасида самимий дўстлик ришталарини ўрнатиш борасидаги ҳаракатларини пучга чиқариш йўлида анча ҳаракат қилиб, кўпгина муваффақиятларга ҳам эришган эдилар.

бўлиб, бу борада анча ижобий силжишлар рўй берди. Бу борада Шоҳ Жаҳоннинг тўнгич ўғли Доро Шукуҳнинг хизматлари катта бўлди. У қиёсий диншунослик асосида яратган ўз таълимотида барча диний эътиқодлар охир-оқибатда битта Худога олиб боришини таъкидлаб, барча дин ва мазҳабларни умумлаштириш ғоясини илгари сурган эди.⁴

Сўфийликнинг яна бир кўриниши бўлмиш *қодирийа* тариқати ҳам Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврида Арабистондан Ҳиндистоннинг Сураат ва Камбаёт шаҳарларига тижорат ишлари билан қатнайдиган савдогарлар томонидан келтирилган эди. Бу силсилани мамлакат узра тарғиб қилишда Шайх Абдулҳақ Деҳлавийнинг хизматлари кўп бўлган. Унинг ишини издошлари Миён Мир Лоҳурий ва Кашмирлик Муллашоҳ Бадахшонийлар давом эттирдилар. Қодирийа таълимоти Доро Шукуҳ ва унинг опаси Жаҳоноро Бегимнинг диний эътиқодининг шаклланишига ҳам катта таъсир ўтказган. Улар бу тариқатни 1639 йили қабул қилишган. Бироқ Аврангзеб ҳукмронлиги даврида барча диний оқимларга барҳам берилиб, давлат ишларини фақат Ислом асосида бошқаришга ўтди ва ҳар қандай чекинишларга нисбатан муросасизлик қила бошлади.

(Давоми келгуси сонда)



қувватламаган эди. Акбаршоҳ тахтга чиққанидан кейин бу ҳаракат мавқеини анча тиклаб, сарой аёнлари ва ҳарам-

Бироқ бу ҳаракат узоққа бормади, чунки Шоҳ Жаҳон даврига келиб ҳар икки жамоа ўртасида яна илиқлик пайдо

1. Етук уламолардан, мисрлик Шайх Муборакнинг ўғли.
2. Ҳумоюншоҳнинг вазيري, Акбаршоҳга оталиқ қилган Байрамхоннинг ўғли.
3. Бу оқим раҳбарларидан бири Акбаршоҳнинг пири Салим Чештий эди.
4. Бироқ укаси Аврангзеб тахтнинг эгаллагач, бу ақидаси учун кофирликда айбланиб, қатл этилган.

Эргаш ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон ФА Алишер Навоий
номидаги тил ва адабиёт
институтини докторанти

Мусулмон Шарқи адабиётида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) васфларида қалам тебратмаган шоир йўқ ҳисоби. Қайси улуғ сўз санъаткори девонини қўлингизга олманг, албатта, Аллоҳ таолога ҳамддан кейин Муҳаммад алайҳиссалом наътига дуч келасиз. Бугина эмас. Шоирлар олам сарварини дўст, маҳбуб сифатида бадий тимсоллар воситасида “қўб ва хўб” таъриф-тавсиф этганлар. Зеро, моҳият эътибори билан адабдан иборат бўлган, тарбия воситаси ҳисобланган адабиёт Муҳаммад (с.а.в.) сиймоларида ко-

Мавлоно Лутфий шундай ёзади:

*Ҳақ ўз камоли сунъини
зотингда изҳор айлади,
Берди санга ҳусну олам
аҳлин санга зор айлади.*

Алишер Навоий бу зотни: “Юз йигирма тўрт минг анбиёи мурсал хилқатидин мурод ул ва барча анга хайл ва ўн саккиз минг олам ихтироъидин мақсуд ул ва офариниш анга туфайл. Нубувват тахтида ҳумоюн фарқи узра тож, анбиёву расул хайлида соҳибмеърож, аввалину охирин халқи анинг шафоатиға муҳтож”, деб васф этса, Бобур ул зотни:

*Борчанинг афзали
Муҳаммаддур,
Борчанинг акмали
Муҳаммаддур.*

ҳам, моҳиятда унга фарзанд маъносидаги тасвирларга кўп дуч келамиз (З. Фаффорова). Масалан:

*Одамки, башар насли
силкига эрур пайванд,
Сувратда санга волид,
маънода санга фарзанд.*

Тасаввуф адабиётида маъно серқатлам бўлиб, маъшуқа деганда дунё гўзалигина эмас, айни пайтда Аллоҳ таоло ҳам, Муҳаммад алайҳиссалом ҳам, илму ахлоқда етук комил инсон ҳам, кўпинча уларнинг барчаси биргаликда ҳам назарда тутилади.

Аллоҳ таоло ўзининг сўнгги пайғамбарини улуғ фазилатли қилиб яратиш билан комил инсон қандай бўлиши кераклигини кўрсатди. Бошқалар у кўта-

КўНГУЛЛАР БЎЛДИ НУРОНИЙ...

Мумтоз шеърятда Пайғамбаримиз (с.а.в.) васфлари

мил инсоннинг дунёвий тимсолини кўрган эди.

Мумтоз адабиётдаги Пайғамбаримизга (с.а.в.) бағишланган асарларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Муҳаммад алайҳиссалом, ҳаётлари ва фаолиятлари, етук хулқлари ва эзгу фазилатлари, меърожлари ва бошқа мўъжизалари ҳақидаги асарлар.

2. Наът асарлар ёки асарларнинг наът қисмлари.

3. Муҳаммад алайҳиссалом дўст, ёр, маҳбуба сифатида бадий тимсоллар воситасида васф этилган шеърлар.

Гарчи Пайғамбаримиз (с.а.в.) даражаларига етиш имконсиз эса-да, аҳли муслим бу нажиб инсонни камолот йўлида маёқ билиб, у зот кўрсатган ҳидоят йўлидан юриш ва у кишининг фазилатларини эгаллаш орқали мумкин қадар комиллик касб этишга интиланлар. Бу ҳақда

*Борчанинг фазлини
йигиштурсанг,
Бир кишида борин
сиғиштурсанг,
Фазли Аҳмадча бўлмағай
ул ҳам,
Бўлғай Аҳмад фазилатидин
кам,*

деб улуғлаган эди.

Атойи эса Пайғамбаримизни (с.а.в.):

*Азалда билдиларким,
сен киби фарзанд бўлгуси,
Сенинг юзингдин одамга
маложик саждалар қилди,*
деб таърифлайди.

Тасаввуф фалсафасига кўра, Муҳаммад (с.а.в.) нури олам ва одам яратилмасдан бурун яратилган эди. Чунки Аллоҳ таолонинг оламни ҳам, одамни ҳам яратишдан мақсади — Муҳаммад Пайғамбаримиз (с.а.в.) эдилар. Шу боис Алишер Навоий ғазалларига сувратда Одам Ато Муҳаммад Пайғамбарга (с.а.в.) ота бўлса

рилган мақомга етолмайдилар. Лекин унинг фазилатларини эгаллашга, унга ўхшашга интиладилар. Бу пайғамбарлик давроси эмас, балки комиллик орзуи. Ана шу орзуни амалга ошириш истаги ўлароқ тариқат ва унинг босқичлари ўйлаб топилди. Риёзат босқичларини босиб ўтиш орқали камолот касб этиш йўли танланди. Ўзи билан ўзи курашиб, ўз қусурларини маҳв этиш ва унинг ўрнига фазилатларга эга бўлиш натижасида инсон комиллик даражасига кўтарилади.

“Мен жаноби Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам каби чиройли бир инсонни ҳаргиз кўрмадим, — деган эканлар Ҳазрати Абу Ҳурайра. — Офтоб гўё Жанобнинг чеҳраи анворларида дунёга жилва қилиб тургандек маълум бўлар эди”. Албатта, Расули Акрам жисмоний-зоҳирий жиҳатдан ҳам инсонлар орасида

мумтоз бўлганлар. Шунинг учун шоирлар ўз шеърларида Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) нафақат маънавий-ахлоқий етуқлигини, аини пайтда, жисмоний гўзаллигини ҳам таъриф-тавсиф этганлар. Сўфиёна адабиётда ул зотга (с.а.в.) “хусн элининг шоҳи”, “гўзаллар гўзали”, “маҳбуби руҳоний” сифатлари берилгани бежиз эмас. Бу охириги иборанинг икки маъноси бор: Аллоҳнинг маҳбуби (севиклиси) ва маънавий маҳбуб. Жумладан, Сайфи Саройда ўқиймиз:


*Тоалаллоҳ, зиҳи сурат,
зиҳи маҳбуби руҳоний,
Ким онинг хусни шавқиндин
кўнгуллар бўлди нуруний.*

Бу ерда жаҳолат зулматида қолган кўнгилларнинг Ислом дини, ҳидоят нури билан ёришганига ишора қилинмоқда.

“Пайғамбарни севмоқ Аллоҳни севмоқдир”, дейди Жаллолиддин Румий. Муҳаммад алайҳиссаломни Аллоҳнинг ва инсониятнинг суюқлиси, икки олам маъшуғи, эзгуликлар, гўзалликлар соҳиби сифатида улуглаш орқали шоирлар аини пайтда Худованди каримга бўлган чексиз муҳаббатларини ҳам изҳор қиладилар. Гадоийнинг куйидаги байти бунга мисол бўла олади:

*Хусн ичинда қудрати
Яздони сенсен, ё Ҳабиб,
Бу қамар давринда хўблар
хони сенсен, ё Ҳабиб.
Бу ҳақда Навоий ёзади:
Сенинг ишқинг Навоийга
ику олам аро бастур,
Ҳабибуллоҳга ошиқлик анга
гарчи ҳад эрмас, ваҳ.*

Мумтоз шоирлар ижодида соқий тимсоли кўп учраши маълум. Соқий деганда тасаввуф адабиётида кўпинча Аллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, комил инсон ёки пирни назарда тутадилар. Аллоҳ, Пайғамбар (с.а.в.) ва комил инсонлар ҳам одамлар қалбига ирфоний файз бағишлайди-



лар, илоҳий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар. Чунончи, Навоий бир газалида:


*Соқий, ул кавсаросо бодадин
бир журъа тут
Ким, мени ҳайронга бўлгай
кашф сирри лав кушиф,*

деб умид қилади.

Муҳаммад алайҳиссалом маъшуқа сифатида бадиий тимсоллар воситасида таъриф-тавсиф этилганида юз, кўз, лаб, оғиз, бел ва бошқалар-мажозий мазмунга эга бўлади. Юз у кишининг илоҳий нурдан чароғон чехраларини, кўз икки олам асроридан воқиф, умматларни имтиҳон этувчи қалб кўзларини, лаб илоҳий маърифатга кон сўзлари ва бу жонбахш каломларнинг мазмунини билдиради. Аини маънода ошиқнинг маъшуқасидан бўса исташи – Ҳабибуллоҳ орқали маърифат асроридан баҳраманд бўлишга интилиши, унинг бир оғиз сўзига зорлиги – лутфларига ноил бўлиб, шафоат қилинувчи уммат сафидан жой олганлиги хабарини эшйтишга интиқлигини англатади. Бел – унинг фикру тахайюли маъносида. Ингичка бел бу фикру тахайюлнинг нозик ва теранлигига ташбеҳ этилади. Оғиз деганда илоҳий каломга, унинг чиқиш ўрнига ишора қилинади.

Муҳаммад алайҳиссаломни жисмоний ва маънавий-ахлоқий гўзаллик, илму ҳикмат тимсоли сифатида таъриф-тавсиф этар экан, бунда шоирлар икки нарсани кўзда тутадилар. Биринчиси шуки, Аллоҳ таоло ўз пайғамбарини икки дунё саодатига ноил этган лутфу марҳаматидан бир заррасини зора уларга ҳам насиб этса. Иккинчиси эса Муҳаммад алайҳиссаломнинг шафоатлари. Зеро, барча қатори шоирлар ҳам шафоат қилинувчи уммат аҳлидан бўлишни истайдилар.

БОШҚОТИРМА



Бўйига:

1. Қадимий шаҳар. 2. Охират эшиги. 3. Пайғамбаримиз (с.а.в.) болаликларида учрашган роҳиб. 4. Ақл чархи. 5. Эҳромнинг бир бўлаги. 6. Мазҳаб. 7. Қариндошликка асосланган бирлик. 8. Исм. 9. Африқода бир ирқ. 10. Сабр. 11. Ақлли. 12. Илмли. 13. Шайтонга берилганлардан бири. 14. Бало ҳам, яхшилик ҳам келтирадиган аъзо. 15. Ёпинчиқ кийим. 16. Эри ўлган аёл. 17. Рангли металл. 18. Буйруқ. 19. Байрам. 20. Кечаларнинг улуги. 21. Ҳадича онамизнинг (р.а.) амакиваччаси. 22. Улуғ зот. 23. Туғишган оға. 24. Расулulloҳ (с.а.в.) амаллари. 25. Оналар кўшиғи. 26. Руҳлар олами. 27. ...эркинлиги Конституцияда қафолатланган. 28. Сура. 29. Мукофот. 30. Қариндошлардан бири. 31. Тинчлик битими.

Энига:

3. Пайғамбаримиз (с.а.в.) болаликларида роҳиб билан учрашган жой. 5. Аллоҳ ҳузурда мақбул дин. 9. Илоҳий китоб. 15. Саҳоба. 17. Ҳарф. 23. Сулолалардан бири. 25. Ислонда шарафланган зот. 26. Илк газот. 29. Нажотга чорлов. 32. Кўрсатиш олмоши. 33. Чўбин от. 34. Ҳақиқий. 35. Мусо алайҳиссаломнинг отаси. 36. Марвлик муҳаддис олимнинг отаси. 37. Ҳаром амал. 38. Мусулмонлар илк тўпланган ҳовли соҳиби. 39. Пайғамбарлардан бири. 40. Оқади – сувмас, ўтади – қайтмас. 41. Фазилатли амал. 42. Хорунга (а.с.) ўхшатиш зот. 43. Дарахт. 44. Эваз. 45. Аллоҳнинг қули. 46. Исрофилнинг сози. 47. Аллоҳнинг сифати. 48. Молик ибн Анаснинг китоби. 49. Мотам. 50. Жиннинг жавҳари. 51. Расулulloҳ (с.а.в.) сифатлари. 52. Зулм қилувчи. 53. Ой. 54. Саҳоба. 55. Улуғ кунда ўқилади. 56. ... Басрий.

Тузувчи: Дилшод ЖОНИҚУЛОВ